

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



МИЛЛИЙ ҒОЯ МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ

Миллий ғоя тарғиботи ва
маънавий-маърифий ишларни
ташкил этиш методикаси

МОДУЛИ БҮЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: **М.А. Собирова** – Низомий номидаги ТДПУ, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

У.Б.Нигманова - Низомий номидаги ТДПУ “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти

Тақризчилар: **И.Эргашев** - ЎзМУ “Фуқаролик жамият ва ҳукуқ таълими” кафедраси профессори, сиёсий фанлари доктори

Х.Жуманиёзов - Низомий номидаги ТДПУ “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, с.ф.н.

Хорижий эксперт: **п.ф.док., профессор А.Х.Пулотов** – академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд давлат университети

Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	30
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	86
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	98
VI. ГЛОССАРИЙ	105
VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	113

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмунни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитишиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг **вазифалари**га қуйидагилар киради:

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими” йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларида миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ фанларининг замонавий долзарб муаммолари ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш;

педагог кадрларнинг миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ фанлари бўйича касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг соҳага оид касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

максус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқук” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

- Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси фанининг замонавий назарий қарашлари ва етакчи концепцияларини;
- Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси фанининг ёрдамчи фан соҳалари;
- Фаннинг моддий ва ёзма манбалари;
- фаннинг таълимий ва тарбиявий мақсад-вазифалари;
- фаннинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари;
- олий таълим тизимида миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқук таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни;
- таълим мазмунини модернизациялашни;
- таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;
- таълимдаги инновацияларни билиши керак.
- фанлардаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- дарсларда тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- фанни ўқитища ривожланган мамлакатлардаги илгор тажрибалардан фойдаланиш;
- таълим жараёнида тингловчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизmlари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириклари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини

табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **кўнималарига эга бўлиши лозим.**

- ўқитувчининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;
- модератор ўқитувчиларнинг илфор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;
- фанларни ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириклари мажмуасини ишлаб чиқиши;
- ўқув ахборотни қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топширикларини тузиш;
- таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
- дидактик таъминотни такомиллаштириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**
- Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси фанининг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллай олиш;
- машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, тингловчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;
- таълим жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласидиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;
- ривожланган мамлакатларда тарих фанини ўқитиш методикасидаги илфор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими” йўналиши бўйича маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурӯхли фикрлаш, кичик гурӯхлар

билин ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Олий таълимда миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишининг назарий асослари”, “Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишининг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш”, “Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг услугий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетлиқда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-ҳукуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгти ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси фанининг замонавий концепциялари ва фаннинг долзарб назарий муаммолари, тараққиёт тенденциялари ва инновацияларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами	Жумладан	
			Назарий	амалий
1.	Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд муаммолар ва ечимлар.	4	2	2
2.	Миллий ғоя тарғиботи технологияларида замонавий технологик услублар	4	2	2
3.	Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлигига эришиш йўллари	4	2	2
4.	Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалари”	6	2	4
5.	Маънавий-маърифий тарбияни олиб борища оила, маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, Ёшлилар иттифоқи билан хамкорлик масалалари.	6	2	4
6.	Маънавий-маърифий ишларда илгор замонавий технологияларни кўллаш.	2	-	2
Жами		26	10	16

НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд муаммолар ва ечимлар.

Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича

ёндашув. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги. Маънавий-маърифий ишлар тизими. Компетенцияларга асосланган таълим ёндашуви. Ривожланган хорижий мамлакатларда тарғибот ишларининг институционал тизими, унинг ижобий жиҳатларидан таълим жараёнида фойдаланиш. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд масалалар.

2-мавзу. Миллий ғоя тарғиботи технологияларида замонавий технологик услублар

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларининг шаклланиши, мазкур соҳалар бўйича олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш ва улардан фойдаланиш. Миллий ғоя, халқимизнинг миллий урф-олатлари, анъана ва қадриятлари, маънавий-маърифий ва ҳукуқий меросини асраш, манба хусусиятларини билиш ва улардан фойдаланиш. Миллий ғоя тарғиботида замонавий технологик услублардан фойдаланиш шарт-шароитлари ва омиллари.

3-мавзу. Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлигига эришиш йўллари.

Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлиги тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи. Миллий ғоя тарғиботи самарадорлиги мезонлари ва тамойиллари. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигига эришиш йўллари ва омиллари. Жамият ҳаётида соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш. Ёшларда миллий ғояга ишончни - мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Миллатнинг, халқнинг жамиятда қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормалари, маданий ривожланиш тамойилларини янада ривожлантириш.

4-мавзу. Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалари”.

Миллий ғоя тарғиботи ва жамоа билан алоқаларнинг ўзаро муносабати. Миллий ғоя тарғиботида жамоа билан алоқаларнинг демократик асослари. Жамоа билан алоқаларда жаҳон тажрибаси ва тарғиботда миллий хусусиятларни ҳисобга олишнинг аҳамияти. Жамоани ижтимоий ҳаётда эришган ютуқлари ёки муаммолари. Жамоа билан алоқалар технологиялари

5 - Мавзу: Маънавий-маърифий тарбияни олиб боришда оила, маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик масалалари.

Маънавий-маърифий тарбияни олиб боришда оила, маҳалланинг ўрни. Таълим тарбия жараёнида оила, маҳалла, таълим муассасаларининг аҳамияти. Маънавий-маърифий тарбияни олиб боришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик масалалари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд муаммолар ва ечимлар.

Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги. Маънавий-маърифий ишлар тизими. Компетенцияларга асосланган таълим ёндашуви. Ривожланган хорижий мамлакатларда тарғибот ишларининг институционал тизими, унинг ижобий жиҳатларидан таълим жараёнида фойдаланиш. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд масалалар.

2-амалий машғулот: Миллий ғоя тарғиботи технологияларида замонавий технологик услублар

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларининг шаклланиши, мазкур соҳалар бўйича олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш ва улардан фойдаланиш. Миллий ғоя, халқимизнинг миллий урф-олатлари, анъана ва қадриятлари, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий меросини асраш, манба хусусиятларини билиш ва улардан фойдаланиш. Миллий ғоя тарғиботида замонавий технологик услублардан фойдаланиш шарт-шароитлари ва омиллари.

3-амалий машғулот: Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлигига эришиш йўллари.

Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлиги тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи. Миллий ғоя тарғиботи самарадорлиги мезонлари ва тамойиллари. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигига эришиш йўллари ва омиллари. Жамият ҳаётида соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш. Ёшларда миллий ғояга ишончни - мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Миллатнинг, халқнинг жамиятда қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормалари, маданий ривожланиш тамойилларини янада ривожлантириш.

4-амалий машғулот: Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалари”.(4.с)

Миллий ғоя тарғиботи ва жамоа билан алоқаларнинг ўзаро муносабати. Миллий ғоя тарғиботида жамоа билан алоқаларнинг демократик асослари. Жамоа билан алоқаларда жаҳон тажрибаси ва тарғиботда миллий хусусиятларни ҳисобга олишининг аҳамияти. Жамоани ижтимоий ҳаётда эришган ютуқлари ёки муаммолари. Жамоа билан алоқалар технологиялари

5-амалий машғулот: Маънавий-маърифий тарбияни олиб борища оила, маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик масалалари.

(4.с)

Маънавий-маърифий тарбияни олиб борища оила, маҳалланинг ўрни. Таълим тарбия жараённада оила, маҳалла, таълим муассасаларининг аҳамияти. Маънавий-маърифий тарбияни олиб борища нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик масалалари.

6-амалий машғулот: Маънавий-маърифий ишларда илғор замонавий технологияларни қўллаш.

Маънавий-маърифий ишларда илғор замонавий технологияларнинг аҳамияти. Таълим самараси юқорироқ бўлишига сабаб бўлувчи методлар ва воситалар. Ноанъанавий таълим усуллари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:
- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни

англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Бугунги кунда ўқитишнинг замонавий методлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўкув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очища ақлий ҳужум, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методлар интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аталади. **Интерфаол методлар** деганда таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиши-ўрганиш;
- таълим оловчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиши шиддатини таълим оловчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим оловчининг ташаббускорлиги ва масъулиягининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.



“Кичик гурухларда ишлаш” методи

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим оловчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўкув

материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим оловчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим оловчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурухлар баҳоланади.

«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзалиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим оловчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим оловчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим оловчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим оловчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичida ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Куйида “Давра сухбати” методининг тузилмаси келтирилган.


Давра столи тузилмаси

Ёзма давра сухбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варагаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчида узатади.

Конвертни олган таълим оловчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим оловчига узатади. Барча конвертлар айланга бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йифиб олинади, таҳлил қилинади.

“Давра сұхбати” методининг босқичлари қўидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таниширади.
3. Ҳар бир таълим оловчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим оловчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим оловчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим оловчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим оловчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига узатади.
6. Конвертни олган таълим оловчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим оловчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим оловчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим оловчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йифиб олинади ва таҳлил қилинади.



Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишида қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



Методнинг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



"ФСМУ" методи

“ФСМУ”-(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишида қўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишига, очиқ ҳолда баҳслashiшга ҳамда шу билан бирга баҳслashiш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзуни чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундейди.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарих фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

1-Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

2-Топширик: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги давлат бошқарувининг асосий фарқлари?



Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар,

муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хуросалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



Нвбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна:

Тарих фанидан Давлат таълим стандарти			
Собиқ стандарт		Янги стандарт	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хуроса:			



“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақоролаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучли томонлари	
W	Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	
O	Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташқи)	

Намуна: Анъанавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Оддий дарсда ўқитувчи, тингловчиларга кўп маълумот бера олмайди	Замонавий дарсда камроқ маълумот берилади, бироқ улар тингловчилар онгига сингдириб берилади
W	Ўқитувчи асосан аълочи, қизиқувчи тингловчилар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли тингловчилар қамраб олинади	Замонавий таълимда дарсда кўп сонли тингловчилар қамраб олинади
O	Оддий дарсда фақат ўқитувчи	Замонавий дарсда муҳокама

	режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туғилиши мумкин
Т	Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, тингловчи учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшлитиб ўтириш мажбурияти	Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, тингловчиларни мавзудан четга буришга интилишлари



"Инсерт" методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади

ва машғулот якунланади.



“Пинборд” методи

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув сұхбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гурӯхлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Үқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий хужумнинг бошланишини ташкил қиласи (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиласидилар, муҳокама қиласидилар, баҳолайдилар ва энг оптималь (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хulosавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қофозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Үқитувчи билан биргаликда флипчарт (маҳсус доска ва маҳсус қофоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптималь ечимлар бўйича аниқланади.

Гурӯх намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) яққол хато бўлган ёки тақороланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қофоз ва варақларидағи) гурӯхларга ажратадилар;
- 5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

Маданият

МОДДИЙ МАДАНИЯТ	МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ



“Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга

қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод тингловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда тингловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияtlари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуидаги тартибда кечади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

Тингловчилар мавзу ва методдан фойдаланиш қоидаси билан таниширилади

Тингловчилар кичик групкаларга биректирилади

Групкалар ўзларига берилган топшириқни бажаради

Групкалар ечимни груп жамоаси ҳукмига ҳавола этади

Групкаларнинг ечимлари груп жамоасида муҳокама қилинади

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат			
2-жиҳат			
...			

Намуна:

Тарих дарсларида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг жиҳатлари	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
“Ассесмент”			
“Инсерт”			
“Тушунчалар”			
“Брифинг”			
“Бахс-муноzара”			

“Муаммоли вазият”			



"Тушунчалар" методи

Методнинг мақсади: мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Маънавият		
Маърифат		
Мафкура		
Тарихий хотира		
Тарғибот		
Маънавий мерос		
Миллий ўзликни англаш		
Мафкуравий иммунитет		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўнікмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишилари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Кўйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан танишитиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурӯҳларга ажратади.

4. Кичик гурухлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиши сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурух тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласди. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласди, уларни таҳлил қиласди. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гурухлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдила ва ўз вариантиларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гурух таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантиларини танлаб олади.



"Т-жадвал" технология

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солишириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунидаги ёритилишларни беради; афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини қўядилар.

Изоҳ: Ўқитувчи: Янги мавзуни баён қиласди ва тингловчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни якка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

- вақт тугагач тингловчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшилтиришларини айтади;

- барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

Тингловчи: - мавзуни диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;

- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;

- яқуний холосаси билан ўтирганларни таништиради;
- регламентга риоя қиласы.

Кутиладиган натижа: Тингловчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

“Т-жадвал” технологияси

Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)	
+ (ҳа, ижобий) афзаллиги (ютуғи)	- (йўқ, салбий) камчилиги
1.	1.
2.	2.
...	...

“Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”

Афзалликлари	Камчиликлари
“Қайтар алоқа”нинг таъминланиши	кўп вақт талаб этилиши
мотивациянинг юқори даражада бўлиши	tinglovchilarни назорат қилиш имкониятининг пастлиги
ўтилган материалнинг яхши эсда сақлаб қолиниши	объектив баҳолашнинг қийинлиги
мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши	ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши
ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш кўникмасининг шаклланиши	ижодий шовқин бўлиши
мустақил фикрлаш	қайтар алоқанинг таъминланмаслиги
ХУЛОСА	



“Блиц-ўйин технологияси”

Сана ва воқеаларни тўғри хронологик кетма-кетлиқда жойлаштиринг.

Саналар – 395, VI аср, 527-565, 534, VI асрнинг ўрталари, VII аср, X-XI аср, IX-XI асрлар.

Тарихий воқеалар – Рим империяси икки мустақил давлатга бўлинди, Константинополь, Юстиниан I императорлиги даври, Юстиниан I Велисарийни шимолий Африкага жўнатди, Византиянинг заифлашуви славян қабилалари истилоларига йўл очди, Араб ҳалифалиги хужумлари натижасида Сурия ва Миср қўлдан кетди, императорлар амалдорлар, ибодатхоналар ва монастирларга қўплаб ер-мулклар инъом этадилар, феодал муносабатларнинг узил-кесил ўрнатилишига олиб келди.

Йил, сана	Содир бўлган воқелик

“Вени диаграммаси” стратегияси

Стратегия тингловчи (tinglovchi)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурӯҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Стратегия тингловчи (tinglovchi)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд муаммолар ва ечимлар.

Режа:

1. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув
2. Ривожланган хорижий мамлакатларда тарғибот ишларининг институционал тизими, унинг ижобий жиҳатларидан таълим жараёнида фойдаланиш.
3. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги.
4. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд масалалар.

1. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Яна бир муаммони ҳал этиш ўта муҳим ҳисобланади: бу педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг маҳсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларини шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур”¹, – деб айтган фикрлари аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавиймаърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт гояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. – Тошкент, 2017, 45-б.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг аввало, давлат бошқаруви органларининг қуи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. 2017 йил 28 июлда Республикаизда —Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг №3160 сонли қарори қабул қилинди. Бунда маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ишларни янада жонлаштириш мақсадида Республика Маънавият тарғибот маркази ва Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бирлаштирилиб, уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат маркази қайта ташкил этилди.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда таълим тарбиянинг уйғунлигини педагог-ўқитувчи ўз олдига қўйилган масъулиятли ва долзарб вазифаларни бажариш, қарашларни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда таълим-тарбия жараёнига бўлган янгича замонавий илмий, маданий ва инновацион технологик ёндошувлар, миллий маданият ва қадриятлар, миллий ғоя ва миллий мафкура ҳамда иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар моҳиятини тўлиқ тушуниб етиши орқали намоён бўлади.

Замонавий таълим тараққиётида пайдо бўлаётган “Инновацион ёндашув”, “Инновацион фаолият”, “Инновацион педагогика” тарздаги тушунчалар эҳтиёжлар асосида келиб чиқсан бўлиб, уларнинг мақсади таълим соҳасида ўқув-тарбия жараёни натижасини кафолатлайдиган ўзгариш, янгиланишлар киритишдан иборат².

Юксак маънавиятли инсонни тарбиялашда ўз-ўзини ривожлантириш, тарбиялаш, ўқиши, ўрганиш, меҳнат қилиш, тинимсиз изланувчанлик, кузатувчанлик, бунёдкорлик, ташаббускорликлар хислари юқори аҳамият касб этади. Шундай экан, дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ҳозирги кунинг долзарб масалаларидан биридир. Дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда компитенцияли ёндошув ҳам муҳим аҳамият касб этади. Компетенцияли ёндашувда, талабаларнинг аввал ўзлаштирган назарий билим, амалий кўникмалари янги муаммоли ва

² Маллаев О. Янги педагогик технологиялар. - Т., 2000. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». - Т.:Ўзбекистон, 1997.

кутилмаган вазиятларда қўллаш талаб этилади. Билим, қўникма ва малакалар янги муаммоли ва кутилмаган вазиятларда қўллаш талабалар томонидан ақлий фаолият операциялари: таҳлил, синтез, қиёслаш, таққослаш, абстракциялаш, моделлаштириш, таснифлаш, умумлаштириш ва хулоса ясами лозим.

2. Ривожланган хорижий мамлакатларда тарғибот ишларининг институционал тизими, унинг ижобий жиҳатларидан таълим жараёнида фойдаланиш.

Америкаликларга қандай ғоя ва қадриятлар сингдирилмоқда? Фуқаро ва ёшлар тарбияси қуйидаги ғоявий устунларга таянади. АҚШ фуқаролари Конституцияни, Америка давлатчилигининг асослари ва демократик тамойилларни муқаддас деб биладилар ва бу туйғуни ёшлар онгига сингдириш ҳақида тинимсиз қайғурадилар. Ёшларда эркин яшашга иштиёқ, мустақилликни қадрлаш туйғуси шакллантирилади. АҚШнинг фан ва технологиялар соҳасида бошқа давлатлардан ўзиб кетганлигининг сабаби шундаки, аввало Америкада эркин ва ижодий фикр қадрланади ҳамда ўзгача фикрлайдиганларга нисбатан бағрикенглик қарор топтирилган. Лекин америкалик фуқарони тарбиялашнинг энг асосий жиҳати бошқа бир ғояда яширин. У ҳам бўлса, ҳар бир инсонни ноёб истеъдод эгаси деб билиш, ҳар бир шахсга ҳазрати инсон сифатида мурожаат этишдир. Инсонга бундай муносабат, сўзсиз, унинг салоҳиятини юзага чиқариш имконини беради. Айнан шу ғоя таъсирида америкаликлар орасида ўзини —ўртамиёна одам|| деб биладиган ёхуд —мен бир оддий одам|| деб гапирадиган кишилар ниҳоятда кам учрайди.

Америка фуқаролари адолатни ҳам ўзига хос тарзда тушунадилар: шахс нимагаки эришса, қандай мақомни эгалласа, бунга фақат ўз ақли ва истеъоди билангина етишади. Ҳар бир америкалик болалигиданоқ кимгадир ва нимагадир орқа қилишга эмас, балки ўз кучига таянишга ўргатилади. Ҳар бир америкаликда келажакка ишонч уйғотилади. Худди ана шу —Америка орзуси||кишиларни янги мақсадлар сари рағбатлантиради, янги ғояларни амалга оширишга шавқ уйғотади. Умуман, демократия қоидалари ва эркинлик Америка мафкурасининг пойдеворини ташкил этади. Бундай тарбия натижасида фақат ўз кучига ишониш, руҳий озодлик ва мустақил фикрлаш каби хислатлар америкаликларнинг қон-қонига сингиб кетган. Албатта, —АҚШ да бу борада муаммо йўқ экан|| деган хулоса чиқариб бўлмайди. Охирги пайтларда эркинликка ҳадеб урғу беравериш оқибатида америкаликлар эркинликни жамият олдидаги мажбуриятлардан ҳам озодлик сифатида идрок эта бошладилар. Шу боис ҳозирги кунда АҚШнинг зиёлилари томонидан янги мафкура —либерал – национализм мафкурасини яратиш зарурлиги ҳақидаги

фикр ўртага ташланмоқда. Бу мафкура миллий ва ирқий жиҳатдан бўлинib кетган кўп сонли ижтимоий гурӯхларни —АҚШ - миллатлар ҳамжамиятидир ғояси атрофида бирлаштиришни назарда тутади. Эътибор берадиган бўлсак, янги мафкурада миллий омилнинг устуворлиги ўрнатилмоқда. Демак, гап АҚШда аста-секинлик билан ягона миллий вужудни шакллантириш, халқнинг бирдамлигини кучайтиришга хизмат қилувчи мафкуруни яратиш ҳақида бораётир.

Японияда миллий мафкура тарбияси. Шарқнинг энг илғор мамлакатларидан бири Японияда фуқарони, ёшларни тарбиялашнинг энг самарали ва таъсирчан усулидан фойдаланилади. Бундай тарбиянинг асосий маскани сифатида мактаб танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Кунчиқар мамлакатда фуқаро тарбияси —ахлоқий тарбия тизими доирасида амалга оширилади. Расмий ҳужжатларда —ахлоқий тарбия тизими қуйидагича номланади:

- 1) —характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим;
- 2) —давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият;
- 3) —фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш³.

Аслида, бу тизим миллатни тарбиялаш тизими вазифасини ўтайди. Ундан қудратли ғоявий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, айнан «ахлоқий тарбия» тизими Япония мамлакати иқтисодий равнақининг ғоявий асосини ташкил этади. Чунки бу тизим ишлаб чиқаришда маънавий салоҳиятдан унумли фойдаланишга йўналтирилган. Шу боисдан ҳам инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679)-“Давлатнинг қандайлиги ҳақида хулоса чиқариш учун аввало одамларнинг ахлоқи, қизиқишлиари ва феъл-авторини ўрганиш жоиздир”деган эди. Иккинчи жаҳон урушидан хароба бўлиб чиқкан. Япония мамлакатининг 30- 40 йилда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олгани кўпчиликнинг ҳайратини ўтготади. —Кичик бир оролнинг бундай қисқа вақтда ҳунармандчилик устахоналаридан автоматлашган саноатгача бўлган йўлни босиб ўтганлигини қандай тушунтириш мумкин?॥

Мазкур саволга японлар қуйидагича жавоб берадилар:- “Салоҳият инсонларда яширин”. Япония менежментининг олтин қоидасига кўра, инсондан қимматроқ бойлик йўқ. Япон кишисида қуйидаги қадрият ва сифатлар қарор топтирилади: Мехнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий характеристига хос хусусиятлар саналади. Бироқ, давлат бу билан қаноатланмай,

³ Эргашев И. ва бошк. Миллий истиклол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005, - 302 б.

ўз фуқароларида ушбу сифатларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш вазифасини маорифга юклайди. Натижада, мактабларда гурухий бирдамликни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда коллективнинг ютуғи ҳам, мағлубияти ҳам гуруҳнинг ҳар бир аъзосига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя сингдирилади, ўз ролини аниқ билиш ва шунга яраша масъулиятни ҳис қилиш талаб этилади. Бундай тарбия кўрган фуқаро жамоа муаммоларини ўзининг шахсий муаммолари сифатида қабул қиласиди. Олимларнинг фикрича, айнан шундай гурухий бирдамлик (япончада —айдагарасюги) туфайли мамлакат мисли кўрилмаган иқтисодий ютуқларга эришди.

Меҳнат япон кишиси учун ахлоқий қадрият саналади. Унинг қадрият даражасига кўтарилишида —ахлоқий тарбия‖ тизимининг роли бекиёс. Гап шундаки, япон кишисига мактабдаёқ қуидаги ғоялар сингдирилади:

1.—Фақат тиришқоқлик ва меҳнат билан муваффақиятга эришиш мумкин‖.

2.—Ўз устингда тинимсиз ишла - шунда бирордан кам бўлмайсан‖.

Бу каби ғоялар таъсирида улгайган япон кишиси ўзининг барча харакатларини қуидаги мантиқка бўйсундиради: — “Бор имкониятларингни ишга сол!”.

Шундай қилиб, давлат ўз фуқароларида тиришқоқлик ва ҳафсала, қунт ва ғайратни мақсадли равишда қарор топтиради. Интизомдан жамият манфаатларида фойдаланиш борасида эса японлар бошқаларга ўрнак бўла олади. — “Ахлоқий тарбия” натижасида Японияда фуқаролар меҳнат интизомининг бузилишини шунчаки салбий иллат деб ҳисобламай, балки уни Ватанга ҳиёнат деб қабул қиласиди. Японияда фуқаро тарбияси замон эҳтиёжлари ва жамият манфаатларига мослаштириб борилади. Айнан шу туфайли япон фуқаролари жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи қудратли куч деб биладилар. Кўриниб турибдики, миллат келажагини ўйлайдиган ҳеч бир давлат фуқаро тарбияси масаласини эътиборсиз қолдира олмайди.

3. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги.

Узлуксиз тарбия жараёни таълим-тарбия бирлигига асосланиб, маънавий-маърифий ишларга параллел равишда ташкил этилади. У янги авлодда сиёсий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, жисмоний фазилатларни, шунингдек, миллат характерини шакллантиради. Демак, эртага Ўзбекистоннинг ёш авлоди зиёлилари, мутахассисларининг, умуман миллатнинг қандай сиёсий, ғоявий, ахлоқий, ғоявий тамойиллар асосида яшashi ва меҳнат қилиши бугун амалга оширилаётган узлуксиз тарбия тизими самарадорлигига бевосита боғлиқ,

қолаверса, “Хозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпорувчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа – аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда¹. Шундай экан, бу жараён ўта аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш асосида амалга оширилмоғи зарур.

Мазкур тизим, шунингдек, ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар кооперациясининг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда мавжуд ҳолатни маънавий диагностик ўрганиш, мазмунан бойитиш, такомиллаштириш ҳамда ислоҳотлар талабларига тўла жавоб бера олиш тамойилига асосланади. Бу эса болалар боғчасидан то магистратурагача бўлган жараёнда амалга ошириладиган ҳар бир тадбирнинг аниқ натижани кафолатлай олишига эътиборни қаратиш, мақсадга мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиш ва самарадорлигини таҳлил қилиш талаб этилади.

Мазкур тизим таълим муассасасининг турига мослаб, дифференциал ва сиклли асосда амал қиласди. Тизим самарадорлигини таъминлаш учун жавобгарлик ҳар бир таълим муассасасининг раҳбари ва бошқа мутасаддилар зиммасига юклатилади.

Маънавий-маърифий ишлар мазмуни, амалиётидаги инъикоси, олинаётган натижалар изчил равишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари ҳайъат йиғилишларида мухокама қилиб борилади.

Мазкур тизим мазмунига таълим муассасаларининг ҳудудий, миллий, ихтисослик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш ҳамда ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Барча соҳаларда бўлгани каби маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тизимининг асосий тавсифлари сифат ва самарадорлик ҳисобланади. Ҳар қандай тизим самарадорлиги моҳиятига кўра ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан баҳоланади. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг самарадорлигини баҳолаш жараёнида кўпроқ ижтимоий афзалликлар намоён бўлади. Зоро, тизимнинг амал қилиши натижалари таълим, тарбия ҳамда ижтимоий маданият даражасини юксалтириш, тарбияланувчиларда маънавий-аҳлоқий сифатларни шакллантириш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун педагогик шарт-шароитларни яратиш, салбий кўринишдаги ҳолатлар (масалан, аҳлоқбузарлик, хуқуқбузарлик,

¹ Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлик. 12-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2004, 271-бет.

носоғлом турмуш кечириш ва ҳоказолар)ни бартараф этишга йўналтирилган педагогик фаолият самараси сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга тизимнинг тўлақонли амал қилиши иқтисодий самарани ҳам кафолатлайди. Бинобарин, жамиятда ўзаро бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка асосланган ижтимоий муносабатнинг қарор топиши, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши, соғлом рақобатнинг юзага келиши аҳоли, жумладан, ёшлар жиноятчилигига барҳам бериш, террористик ва диний экстремистик ҳаракатларга қарши курашишга сарфланаётган маблағни тежашга имкон беради.

Манбалар педагогик тизимнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидаги икки ҳолат билан баҳоланишини кўрсатади:

1) тизимнинг амал қилинишига кўра самарадорлиги (натижанинг назарий ва амалий аҳамияти (ижтимоий фойдалилиги) билан ижобий натижаларни қўлга киритиш мақсадида сарфланган хужжатлар ўртасидаги фарқ);

2) истиқболда жамият томонидан эришилиш эҳтимоли қўзда тутилаётган муваффақиятларга кўра самарадорлиги (тизимнинг амалиётдаги татбиқи ҳисобига сарфлар ҳажмининг камайишини ифадаловчи кўрсаткичлар).

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги қўйидаги омиллар ҳисобига таъминланади:

Биринчидан, маънавий-маърифий ишлар тизими муассасалари баркамол шахсни тарбиялаш, унда маънавий-аҳловқий сифатларни ҳосил қилиш, ижобий характер хусусиятларини шакллантириш, жисмоний камолотини таъминлашга оид назарий-методик манбаларнинг яратилиши;

Иккинчидан, таълим муассасаларида ижодий, соғлом психологик мухитнинг қарор топиши;

Учинчидан, баркамол шахс тарбияси учун масъул субъектлар (оила, таълим муассасалари, маҳалла, жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, микромуҳит) ўртасида мустаҳкам алоқани юзага келганлиги, ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги;

Тўртинчидан, таълим муассасаларида шахснинг ҳар томонлама (ақлий, аҳлоқий, жисмоний) ривожланиши учун зарур педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

Бешинчидан, ёшларни аҳлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан қайта тарбиялашга сарфланаётган иқтисодий маблағ ҳамда вақт миқдорининг камайганлиги.

Тизим сифати тарбиявий жараёнда қўлланилаётган дастур, маҳсус методика, шунингдек, синфда, синфдан ва таълим муассасасидан ташқарида

тарбиявий ишларни ташкил этишга оид ўқув-методик ишланмаларнинг амалийлиги (амалиётга мос келиши) билан тавсифланади.

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тизими самарадорлигини қўйидги методика, шакл, метод ва воситалар ёрдамида баҳолаш мумкин:

- 1) педагогик қузатиш, педагогик профессиограмма ва объектив кўрсаткичлар асосида баҳолаш;
- 2) таълим муассасаларининг фаолиятини ёритувчи меёрий ҳужжатларни ўрганиш;
- 3) социометрик (сұхбат (тарбияланувчилар ёки уларнинг тарбияси учун масъул бўлган субъектлар – ота-оналар, васийлар, ўқитувчилар, мураббийлар иштирокида), анкета, ижтимоий сўров, интервью);
- 4) ташхис методлари (оғзаки, сўров, тестлар (тест-сўров, тест-топширик, проектив тест);
- 5) педагогик ҳамда психологик тажрибалар;
- 6) тарбияланувчиларнинг характеристини ўрганиш; уларнинг фазилатлари тадрижини ўрганиш; психологик тестлар – К.Юнг (“Шахс характеристи типини аниқлаш”), Рокич – “Аҳамиятли қадриятлар”, Айзенг методикалари;
- 7) “Тарбияланганликни ўрганишнинг педагогик-психологик дастури”, “Талабанинг ижтимоий-психологик портрети”, “Педагогик тавсифнома”, “Гуруҳ мураббийси фаолияти тўғрисида”ги Низом, “Социологик-психологик хизмат кўрсатиш”, “Маънавий-маърифий ишларни моделлаштириш», «Тарбияланган даражаларини баҳолашнинг математик-статистик методикаси”, “Касбий ва шахсий баркамол талаба модели”;
- 8) педагогик матбуотни ўрганиш; моделлаштириш (лойиҳалаш);
- 9) тарбияланувчиларда уларнинг ёшига мос равишда миллий ғоянинг намоён бўлишини таҳлил қилиш.

Анъанавий педагогик ёндашувда таълим, маънавий-маърифий ишлар ва тарбия мақсадлари умумий характерга эга бўлиб, улар тарбиячи, ўқитувчининг субъектив хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб белгиланган, муайян талаблар асосида чекланиб қолган эди. Педагогик технологияга асосланган тадбир ва ўқув-тарбиявий ёндашувда олдиндан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни кўллаш – замон, тараққиёт талабларидан бирига айланди.

Идентив маънавий-маърифий ишлар ва тарбиявий мақсадлар таълим-тарбия жараёнининг эришилган реал натижаси сифатида бола, ўқувчи-талабаларнинг ҳатти-харакатларида намоён бўлади. Маълумки, ҳатти-харакатлар ички (фикрий) ва ташқи (хулқ) қўринишларида намоён бўлади. Масалан, ўқувчи (tinglovchi) ниманидир таърифлайди, тушунтиради, хулқ-

атвор тарзини лойиҳалайди, муҳокама қиласи, қўллайди, тасдиқлайди ва амалга оширади. Муайян вазиятларда фикрий ҳатти-ҳаракат “юзага чиқиб” ташки ҳатти-ҳаракатга айланади. Бола, ўқувчи, талабаларнинг бундай ҳатти-ҳаракатлари ўз навбатида ўқув-тарбия натижасини ифодалайди.

Шу боис, тадбир ўтказувчи машғулот лойиҳасини тузганда идентив ўқув мақсадларини белгилаш билан бир қаторда шу материални ўрганишдан кўзланган ва кафолатли натижага эришувни таъминловчи идентив тарбия мақсадларини белгилаб, уларга мувофиқ амалий фаолиятни йўлга қўйишлари тақозо этилади.

Тарбиявий тадбирлар – бу муайян моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилувчи, ягона ижтимоий тарбиявий мақсадга бўйсундирилган ўзаро таъсирлар мажмуидир. Таълим жараёни алоҳида, мустақил дарслардан ташкил топгани каби тарбиявий жараён яхлит тарбиявий методлар, таъсирчан воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ҳар бир тадбир тарбиявий жараённинг муҳим ҳалқаси, ҳужайраси, бўлгидир. Ҳозир республикамизда маънавий-маърифий ишлар тизимининг бир қатор ресурслари мавжуд.

4. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишида инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд масалалар.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим тизими соҳасида тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада мустақилликдан буён қўлга киритилган ютуқлар, камчиликлар, муаммолар таҳлил қилиниб, мақбул режалар белгиланмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таълим соҳасидаги мавжуд муаммолар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни қуидагича кўрсатиб ўтди: —...умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидағи ўқитиши сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас. Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу - педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг маҳсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.⁴

“Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”да миллий истиқлол ғоясига содик, етарли интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фанинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва

⁴ Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. -Т.: 2017, 47-бет

мушоҳада юрита оладиган шахсларни тарбиялаш ҳамда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш ва мафкуравий жиҳатдан эскирган, тўлиқ анъанавий усулида нашр этилаётган дарсликлар маълум қисмининг янги таълимий эҳтиёжларини қондира олмаётгани кўрсатилган. Бугунги кунда маъруза дарсларини ҳамда амалий машғулотларни мультимедиа-электрон дастурлари асосида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Давлатимиз раҳбарининг: “Етук, комил, баркамол ёшларни тарбиялаш билан бир қаторда, менга ўз касбининг фидойиси ва ҳар қандай соҳада рақобатлаша оладиган рақобатбардош кадрларни тайёрлаб беринг”,-деб таъкидлаши бежиз эмас. Бугунги кунда ҳар бир педагог ўзи дарс берәётган фан учун мультимедиа- электрон дастурини тайёрлаб, ундан кенг тарзда фойдалана олиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мультимедиа-электрон дастури қўйидаги дидактик ва педагогикпсихологик талабларга жавоб бериши шарт. 1. Дидактик талаблар илмийлик, ўзлаштиришнинг енгиллиги, муаммони қўйиш ва ҳар томонлама асосли тарзда билим олиш, ўқиш жараёнида талабанинг фаол ва онгли иштироки, билим олишнинг тизимли ва босқичмабосқич амалга оширилиши, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги, таълим тизимида билимни ўзлаштирувчи, ривожлантирувчи ўқитувчи ва талabalар вазифаларининг яхлитлиги, талаба учун ўқиш ихтиёрий бўлишининг таъминланиши, ўқитишида интерфаол усуллардан фойдаланиш, ўқитишининг уйғунлигини таъминлаш, ўқув материалини тақдим этишида тизимли ёндашуви кабилардан иборат. 2. Педагогик-психологик талаблар мультимедианинг психологик, эстетик, гигиеник ва тиббий психологик жиҳатдан мавжуд эҳтиёжларни қондириши шарт. Ўқув жараёнида илғор технологияларни қўллаш, педагогик усулларнинг кенгайиши, педагогик касбий фаолият мазмунининг бойитилиши, иш услубларининг такомиллашиши, педагогик тизимлар таркибининг ўзгаришига олиб келади. Таълим жараёнида илғор ахборот технологияларини қўллашда “Бирга бир”, “Бирга кўпчилик” ҳамда “Кўпчиликка кўпчилик” масофавий ўқитиши усуллари, модуллаштириш, “Ақлий ҳужум”, “Дельфи усули”, форумлар, лойиҳалаштириш групчалари каби интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга имкон беради. Таълим самарадорлигини ошириш, талаба-ёшлар маънавиятини шакллантириш, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асрлабавайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи, электрон дарсликлар орқали узатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таълим тизими ходимлари мазкур билимларга эга бўлсалар улар ўз фаолиятида ахборот олиш, уни қайта ишлаш ва дарс жараёнида ахборотни ўқувчига етказиш кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Таълим тизими ходимларини бундай кўникма ва малакаларга эга бўлишлари албатта дарсларда миллий ғояни ўқувчиларга сингдириш жараёни янада жонлантиради ва унинг таъсир қуввати янада ортишига олиб келади. Ҳар бир дарс олдига таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи яъни бирбири билан узвий алоқада бўлган уч ёқлама мақсадлар кўйилади. Замонавий дарсни ташкил қилиш шартли равишда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқаларига боғлик бўлиб, бу жараёнда ўқув материаллари, таълим методлари ва ахборот комуникацион технологиялари ҳам асосий роль ўйнайди. Дарсни ташкил этишда ўқитувчи раҳнамолигида ўқувчилар биргаликда ҳаракат қиладилар. Бундай дарсларда ўқувчига обеъкт эмас, балки шу дарснинг иштирокчиси – субъекти сифатида қаралиши, ҳар бир ўқувчининг индивидуал ҳусусиятларини хисобга олинишини таъминлаб беради. Дарснинг натижасини аниқлаш ҳам аввало ҳар бир ўқувчининг индивидуал ўзлаштиришидан келиб чиқсан ҳолда гурухий ва жамоавий натижаларни аниқлаш орқали амалга оширилади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга миллий ғояни сингдириш учун дарс жараёнига замонавий ёндашув, яъни таълим-тарбия жараёнида педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш мухим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, таълимда ўқувчиларга миллий ғояни сингдиришдан кўзланган асосий мақсад уларни мустақил фикрловчи, собит эътиқодли, ватанпарвар, баркамол шахс этиб тарбиялаш экан ҳозирги кунда бу натижаларга таълимда замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўлламасдан туриб эришиб бўлмайди. Шундай экан, ҳозирги замон Таълим тизими ходимлари ўз фаолиятлари учун зарур бўлган, ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишлигини оширувчи, дарснинг мақсадига эришишни таъминлаб берувчи замонавий педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиши ҳамда уларни амалда қўллай олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари лозимдир.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: хорижий тажриба, МДҲ тажрибаси, дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси, халқаро тажрибанинг қиёсий таҳлили, Ўзбекистон ва жаҳон, тарғибот ишлари, институционал тизим, институционал тизимининг ижобий жиҳатлари ва ҳк.

Назорат саволлари:

1. Миллий ғоя туркумидаги (Одабнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари) фанларни ўқитишида хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг аҳамияти нимада?

2. Ривожланган хорижий давлатларда таълим қандай жараён сифатида эътироф қилинган?
3. Японларда, мактабга қандай таъриф берилади?
4. Таниқли сиёсатчилардан кимларни мактаб ислоҳотининг ташаббускорлари деб айтишади?
5. Нидерландияда қарийиб қанча ёшлар кундузги ўқувлар билан қамраб олинган?
6. Америкада фуқаро ва ёшлар тарбияси қандай ғоявий устунларга таянади?
7. Ҳозирги кунда АҚШнинг зиёлилари томонидан қандай янги яратиш зарурлиги ҳақидаги фикр ўртага ташланмоқда?
8. Японияда фуқарони, ёшларни тарбиялашнинг қандай энг самарали ва таъсирчан усулидан фойдаланилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: —Ўзбекистон‖, 2013.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. К. Назаров таҳририостида. -Т.: Маънавият, 2009.
3. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиши. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар.// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил

Хориж манбалари:

1. Solderblom N. Das Wetter des Gottesglaube. Berlin, S. 162.
2. Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy -Schmidt Number: S- 3277.On-line since: 24th January, 1995.
3. Michael Freeden.Ideology: A Very Short Introduction (Oxford, 2003)
4. The geopolitics reader .Edited by Gearóid Ó Tuathail, Simon Dalby and Paul Routledge. – London and New York. Routledge Taylor & Francis e- library, 2003.
5. David A. Deyese. Globalization: Causes and Effects. –Boston College, USA Ashgate, 2012.

2-Мавзу: Миллий ғоя тарғиботи технологияларида замонавий технологик услублар

Режа:

1. “Замонавий технологик услублар” тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи
2. Миллий ғоя тарғиботида замонавий технологик услублардан фойдаланиш шарт-шароитлари ва омиллари
3. Замонавий технологик услублардан фойдаланишининг турли хил кўринишлари ва натижалари

1. “Замонавий технологик услублар” тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи

Жамият ҳаётида “Замонавий технологик услублар” тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Уни жамиятнинг иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ, яъни иқтисодий соҳага кириб бораётган замонавий технологик усуслуб бу ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш ва юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун қўлланилаётган фан-техника соҳасидаги ютуқларини англатади. Бу ишлаб чиқаришни модернизациялашга, янги технологияларни жорий этишга қаратилганлиги билан характерланади. Шунингдек, миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига сингдириш мақсадида ҳам турли йўналишларда янги, замонавий технологиялардан (маҳорот усусларидан) фойдаланилади. Унинг икки жиҳатини ҳисобга олиш керак: 1) фан-техниканинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар; 2) миллий ғояни тарғибот-ташвиқот қилишда ана шу илмий-техника кўринишларидан маҳорат билан фойдаланишининг ғоявий-мафкуравий услубларидаги янгиликлар, ўзгаришлар.

Хозирги кунда “замонавий технологиялар” тушунчаси жамият ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса, таълим-тарбия соҳасида кенг қўлланилмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун қўлланилаётган фан ва техника ютуқлари “замонавий технологиялар” тушунчасида ўз ифодасини топмоқда.

Миллий ғоя тарғиботида, уни ёшлиар онги ва қалбига сингдириш жараёнида ҳам эскирган услуб ва зерикарли ваъзхонликдан воз кечиб, замонавий технологиялардан, яъни янгича маҳорат усусларидан фойдаланиш юқори самара бериши шубҳасиз. Унинг икки жиҳатини ҳисобга олиш керак бўлади: биринчидан, фан ва техниканинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқлари; иккинчидан, миллий ғоя тарғиботида ана шу илмий-техник тараққиёт

меваларидан маҳорат билан фойдаланишнинг гоявий-мағкуравий услугларидағи янгиликлар, ўзгаришлар.

Демак, “**Замонавий технологик услублар**” тушунчасини миллий ғоя тарғиботига нисбатан қуидагича таърифлаш мумкин: “**миллий ғояни тарғиб ва ташвиқ этишда фойдаланиладиган илм-фан ютуқлари, энг сўнгги натижаларига таянган техник воситалар ҳамда улардан фойдаланиш маҳоратидаги янгича ғоя, қарашлар, услублар ҳамда инновацион технологиялар мажмуи**”.

Уларни қуидаги йўналишларда ифодалаш мумкин: Таълим ва тарбия соҳасига доир замонавий технологик услублар; й муассасаларда қўлланиладиган замонавий технологик услублар; маданият ва маданий-маърифий муассасалар фаолиятида қўлланиладиган замонавий технологик ўзгаришлар; адабиёт ва санъат соҳасидаги янгиликлар, улардан фойдаланишдаги технологик услублар; дин соҳасида замонавий технологиялардан кенг фойдаланилаётганлиги; жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги янги технологиялар; урф-одат, маросим ва байрамларни янгича асосда ташкил этилганлиги; оила, маҳалла, меҳнат жамоаларидаги янги ютуқлар, ўзгаришлар; ОАВ ва жамоат бирлашмалари фаолиятидаги янги техник ва технологик ўзгаришларни ҳисобга олиш ва ҳ.к.

Миллий ғоя тарғиботини амалга оширишда замонавий технологиялардан унумли фойдаланишни биринчи муҳим шарти – улардан тизимили фойдаланиш, ўкув жараёнини режалаштириш амалиётида қўллашдир. Миллий ғоя тарғиботида замонавий педагогик интерфаол усуллардан фойдаланиш юксак самарадорликка эришиш имконини беради.

Миллий ғоя тарғиботини амалга ошириш йўлида жамиятимиздаги барча кучлар – давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар фаол иш олиб бормоқда. Илғор жамоатчилигимиз, зиёлиларимиз бу эзгу ишга ўз хиссанини қўшмоқда. Бугун одамларимизнинг онги ва тафаккури ўзгарди. Интернет тизими, мобиЛЬ алоқа улар учун кундалик талабга айланди. Айни пайтда, биз ўз ғоямизни юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалби ва онгига сингдирмасак, бошқалар бизга ёт ва заарли ғоясини сингдиришга ҳаракат қиласади. Шунинг учун, юқорида қайд этилган соҳаларнинг ҳар бир субъекти бунга алоҳида эътибор бериши керак. Бу соҳаларни замон билан ҳамнафас ҳолда фаолият юритишини, мамлакат истиқболи тўғрисида қайғуришни, тинмай изланишини, илмий ихтиrolарни амалга ошириш ва уларни ҳаётга татбиқ этишни тақазо этади.

2. Миллий ғоя тарғиботида замонавий технологик услублардан фойдаланиш шарт-шароитлари ва омиллари

Мафкуравий қураш тобора кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида миллий ғоя тарғиботида қўйидагиларни эътиборга олиш жуда муҳимдир:

- тарғибот мақсадларини аниқ билиш;
- тарғибот янгиликларини ўрганиб бориш ва ҳисобга олиш;
- ғоявий-мафкуравий жиҳатдан алоҳида эътибор бериш лозим бўлган ижтимоий қатлам ва гурухларни аниқлаш;
- тарғибот олиб бориладиган аудиториянинг хусусиятларини билиш;
- тарғиботнинг стратегик йўналишларини, мавзуларининг мазмун-моҳиятини, уларнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш тақизо этилади.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш аҳолининг турли қатламлари ўртасида миллий ғоянинг мазмун ва моҳиятини

тушунтириш, маънавий-маърифий ишларни мақсадли, босқичма-босқич, узлуксиз ва тизимли тарзда олиб бориш заруратини туғдиради. Бу жараённинг муваффақиятини таъминлашда замонавий технологик услублардан фойдаланиш муҳим рол ўйнайди. Ушбу йўналишда олиб бориладиган ишларни амалга оширишда ҳар бир иш режаси, уни амалга оширувчи масъул шахслар, тадбирларни ўtkазиш муддати, уларни ташкил этиш, тадбир самарадорлигини таъминлаш, якуний таҳлил этиш, социологик сўровлар, ижтимоий фикрни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Кўзланган мақсадга эришиш, яъни аҳоли ва ёшлар онг ва дунёқарашига миллий ғоя, маънавият асосларини сингдиришда замонавий сиёсий технологиялар, айниқса, жамоатчилик билан алоқалар (ПР – паблик рилемшин) технологияларини қўллаш муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Глобаллашув жараённинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий ва экологик йўналишларда тобора кучайиб боришини англаш, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил этиш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари таъсир доирасининг тобора кенгайиб боришидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир фуқаро, ижтимоий қатлам ҳуқуқий манфаатлари, қизиқиши ва жамиятда тутган мақомини этиборга олиш, турли омил, эҳтиёж, қоида ва талаблар доирасида келиб чиқиб иш олиб боришни, усуллардан тўғри ва унумли фойдаланишни талаб этади.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий ва маърифий ишларни ташкил этишнинг замонавий технологик услубларида ҳар бир шахс, сиймонинг карашида муҳим рол ўйновчи омиллар мавжуд бўлиб, уларда:

1. Маданий хусусиятларни ҳисобга олиши лозим.

2. Шахснинг таълим даражасини ҳисобга олиш лозим. Бугунги кунда кўплаб одамларнинг эътиборини тортиш, масалан, олий маълумотлилар ёки турли жамоатчилик вакиллари билан мулоқотлар тобора ранг-баранг бўлиб бормоқда. Бу технологиялардан фойдаланишда ўзига хос ёндашувни тақазо этади.

3. Оилавий мухити. Маълумки, болаларнинг фикри, сезиши, дунёқараши, сиёсатга муносабати ва бошқаларни кўпинча ота-онадан олади. Инсоннинг ижтимоийлашувида оиланинг ўрни жуда катта.

4. Шахснинг жамиятдаги ўрнини ҳисобга олиш. Одамларнинг ижтимоий мақоми ўзгариши билан уларнинг ҳатти-харакати ҳам ўзгариб туради.

5. Миллий, этник ёки ирқий мансублиги билан боғлиқ хусусиятларни билиш лозим.

Миллий ғоя тарғиботи технологияларидан маънавий-маърифий ишларни ташкил этишдаги эҳтиёж поғоналари қуйида келтирилган:

❖ Жисмоний эҳтиёжлар;

❖ Иккинчи даражали экзистенсиал эҳтиёжлар: ўзининг яшashi учун хавфсизлик талабларини яратиш, хаёт фаолиятдаги ҳимоя, шароит, сокинлик ва барқарорлик шароитлари.

❖ Учинчи даражадаги социал эҳтиёжлар: боғликлек, муҳаббат ва садоқат, маълум гурухга мансублик.

❖ Тўртинчи даражадаги эҳтиёжлар: тан олиниш, ишонч ва этакчилик, лаёқат ва таъсирчанлик, идрок ва ютуқлар.

❖ Юқори даражадаги эҳтиёжлар: - ўзини ифодалаш ёки оддий инсон нимага қодир бўлса, ўшанга эришиш. Ўзини намоён этиш, ижод орқали ўзини тан олдириш ва мақсадига этишдир.

Ушбу беш даражадаги ҳар қандай шахс ёки социал гурухнинг миллий ғоя тарғиботи, маънавий ва маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқаришда эътиборга олиши самара бериши мумкин бўлган муҳим эҳтиёжлари саналади.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий ва маърифий ишларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги қоидаларни:

1. Турли омиллардан фойдаланишда ошкора мисол, расм, кўргазмаларни намойиш этишга, кутилмаган ҳаракатлар қилишга, баъзи одамларни койиш ва уришишга шошилмаслик, биринчи навбатда шарт - шароитни ўрганиш ва таҳлил этиш;

2. Одамларни ўзингизни қабулингизга чақирманг, уларнинг ичига ўзингиз боринг. Кўпчилик одамлар турли маънавий-маърифий тадбирларда камроқ қатнашади. Одамларнинг чекланган қизиқишини тушуниб этгандан сўнг,

жамоатчилик ҳиссиётларини эътиборга олиш, нимага қодирлиги асосида реал стратегияни ишлаб чиқиш мумкин.

3. Одамларнинг хулқ-атворини ўзгартериш учун умуман тадбирларни бирданига ўзгартаришни ўйламанг. Турли ахборот ва талабларни этказишида асосли ва босқичма-босқич харакат қилиш.

4. Ахлоқий мисолларни келтиришни асосий далил эмас, қўшимча восита сифатида қўллаш. Ахлоқий қадриятларни ўзгартериш жуда қийин. Рақибни ахлоксизлиги ҳақида гапиришдан кўра, кўпроқ ўз қарорингизни устунлигини намойиш этинг, кўпчиликнинг қўллашига алоҳида эътибор беринг.

5. Бош мезондан фойдаланинг. Ҳар қандай иш, тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қувватлашига эришинг. Шарт-шароитни ўзгартериш учун, унга барча фаол одамларни жалб этинг.

6. Ишонтиromoқчи бўлган одамларни хафа қилманг. Муаммоларни ўрганиш орқали олинган амалий далиллар натижасига қараганда, одамларга уларни ишонтирган, ёқадиган одам кўпроқ таъсир қиласи экан, чунки уни ўзимизнинг одам деб ҳисоблашади.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишларига оид айрим талаблар, миллий ғоя тарғиботи, маънавий ва маърифий ишларини ташкил этиш ҳам маълум қонун-қоидаларга бўйсунади, ўзининг маълум тузилишига эгадир. Маънавият дунёқарашлар тизими бўлиб, унинг аниқ тузилмаси бўлиши ва маълум талабларга жавоб бериши керак. Ушбу талаблар миллий ғоя тарғиботи, маънавий ва маърифий ишларнинг изчиллиги, унинг янада ривожланиши ва ҳаётийлиги имкониятларини белгилайди:

❖ Универсал (ҳар томонлама) бўлиши керак. Яъни, бир неча қонун - қоидалар, йўналишлардан ташкил топган бўлиши, уларнинг ёрдамида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кечеётган ҳолатларни ёрита олиши керак.

❖ Тушунарли бўлиши ва айнан йўналтирилган аҳоли қатламлари манфаатларига жавоб бериши керак. Бу аҳолининг турли социал гурух, қатламларига нисбатан белгиланган вазифаларни эчиши керак. Шунинг учун ғоявий, маънавий, маърифий масалалар биринчи навбатда долзарб бўлиши керак.

❖ Гоявий, маънавий ва маърифий ишлар технологиялари консерватив ва "қотиб қолган", эскича бўлмаслиги, яъни ўзгариб турувчи воқеаларга муносабат билдира олиши керак.

❖ Маънавият, маърифат ва мағкура қоидаларига мос келиши керак. Миллий ғояни жамиятдаги турли қатламлар онгига сингдириш, ўзлигини англаш ва жамиятни бошқариш учун муҳим. Маънавият ва маърифатни ҳам,

мафкурани ҳам, фақат бир соҳа билан боғламаслик керак. Улар ғоя, маънавият ва маърифат соҳаларининг ҳамоҳанглиги ва қамровида бўлиши керак.

Биз ахборотлар асрида яшамоқдамиз. Илмий-техника инқилоби, ахборотлар технологиялари – ишлаб чиқариш, тиббиёт, сиёsat ва бошқаларга жуда катта таъсир этмоқда. Илгор технологияларга эга бўлган давлатлар бошқа мамлакатларга ўз таъсирини ўtkазишга уриниши табий, айнан шунинг учун ҳам дунёда илмий заҳира ва имкониятлар учун кураш тўхтаётгани йўқ.

Маънавий ва мафкуравий ишлар соҳасида эса, уларни доимо миллий ғоя, фалсафа, социология, психология ва бошқа фанларнинг замонавий маълумотлари асосида ривожлантириб бориш муҳим вазифа хисобланади. Шунинг учун ғоявий, маънавий ва маърифий ишларни, такомиллаштириш, ўтмиш сабоқларини хисобга олган ҳолда янги шарт-шароитларга мослаштириш лозим. Шундагина ғоявий, маънавий-маърифий ишлар таъсирчан ва самарали бўлади.

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича аҳоли ўртасида ўтказиладиган тадбирларда унда қатнашаётган иштирокчилар, уларнинг маълумот даражаси, касби, жамиятдаги ўрни, мақомидан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштиришни, изоҳлашни ва атрофлича тушунчалар бериш орқали амалга оширишни талаб этади⁵.

3. Замонавий технологик услублардан фойдаланишининг турли хил кўринишлари ва натижалари.

Бугунги кунда айрим хорижий оммавий ахборот воситалари бизга ўз мафкурасини сингдиришга уринаётганини сезиш қийин эмас. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов шундай дейди: «**Сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади**». Мазкур ҳолат ҳам миллий ғоя тарғиботининг таъсирчанлигини оширишни ҳамда ҳар қандай мафкуравий таҳдидларга нисбатан огоҳ бўлишни тақазо этади. Бу эса тарғибот-ташвиқот ишларига янгича технологиялар, ёндашувлар, услуг ва воситаларни жалб этишни талаб қиласди.

Ёшлар онгига ёт ғоя ва бузғунчи мафкураларни сингдиришга қаратилган ахборот-психологик таъсирдан қўзланган мақсадлар қўйида қелтирилган:

- ❖ ёшлар онгигда сиёсий ва мафкуравий бепарволикни ҳосил қилиш;
- ❖ ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини издан чиқариш;
- ❖ «оломон» ёки «тўда» онгини шакллантириш;

⁵ Қаранг: Миллий ғоя илмий-тадқиқотларининг назарий-методологик асоси. 1-китоб, Андижон., 2008. Б-62-66.

- ❖ давлатга нисбатан норозилик кайфиятини тұғдириш;
- ❖ мавжуд түзумга нисбатан ишончсизлик келтириб чиқариш;
- ❖ тартибсизликни вужудга келтириш;
- ❖ ёшларни «зомби»га айлантириш ва ҳ.к.

Ахборот хуружига қарши курашда самарага эришиш учун нишонига айланган объектни аниқ билиш лозим.

Биринчидан, ахборот-психологик хуруж қўпроқ мўлжалга олган объект жамиятнинг қайси қатламида, қайси ижтимоий гурухдан иборат; уларнинг муаммоси нима, қизиқишилари қандай, ҳозирда ва келажақда нимани ҳоҳлашади каби саволларга жавоб аниқ бўлиши керак.

Иккинчидан, мамлакат миқёсида янгилик никобида кутилаётган ахборотпсихологик таҳдид ва хавф-хатарларнинг йўналишларини, қайси томонга йўналтирилганини аниқлаш керак.

Учинчидан, жамият ҳаётида, айниқса, ёшлар ҳаётида ўз эчимини кутаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш, мамлакатимиз эришаётган ютуқларни электрон сайдлар орқали дунё ҳалқларига кўрсатиш ва мавжуд электрон сайдларни янада купайтириш ва такомиллаштириш, ахборот хизматлари фаолиятини янада ошириш лозим.

Бинобарин, ахборот-психологик хуружлар кучайиши, кўлами кенгайишининг олдини олиш мақсадида қуидагилар тавсия этилади:

- ❖ Эчимини кутаётган долзарб муаммолар, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақидаги таҳлилий ахборотларни интенсив равища ҳалқаро ахборот маконига чиқаришни кучайтириш;
- ❖ Мавжуд муаммоларнинг эчими ҳақида, уларнинг бартараф этилиши юзасидан давлатнинг олиб бораётган ишлари тўғрисида ҳалқаро жамоатчилик қанчалик қўпроқ маълумотга эга бўлса, ахборот-психологик хуружнинг таъсири шунчалик кам бўлади, яъни хуруж бартараф этилади.
- ❖ Ёшлар онгида мустақил тафаккур, онгли мушоҳада ва танқидий таҳлил кўникмаларини янада ривожлантириш;
- ❖ Давлат амалга ошираётган ҳар бир ислоҳот, ҳар бир жараён ҳақида, сиёсий ва ижтимоий янгиликларнинг ҳар тарафлама таҳлилини оммавий-ахборот воситалари орқали яқин ва узоқ хорижга тарқатиш;
- ❖ Бугунги техник имкониятлар натижасида бунинг қийинлиги йўқ, аксинча мураккаблиги эса ахборот таҳлили ва унинг тезкорликда тарқатилишидадир.
- ❖ Нафақат ёшларда, катта ёшдаги аҳолида ҳам ахборот иммунитетини ҳамда ҳушёрлик ва огоҳлик рефлексациясини шакллантириш керак.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши ҳам демократиянинг тараққиётiga хизмат қиласди. Бунинг учун турли хил нуқтаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, турли чиқишиларда муқобил фикрларга эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатлардан оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти «ғоялар бозори»да ҳали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровон қилишга йўналтирилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар бу «бозор»да бемалол рақобат қила олади.

Ахборот-психологик иммунитетни шакллантиришга йўналтириш ва ривожлантириш, унинг таркибий қисмларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш имконини беради. Натижада, аввалдан лойиҳалаштириш, таъсир қўрсатувчи «салбий» ва «ижобий» омилларни аниқлаш ҳамда ҳаракат дастурини ҳар томонлама ишлаб чиқиш имконияти кафолатланади. Ёшларнинг иммунитетларини шакллантириш учун муайян такомиллашган технологияни қидириб топиб, уни мантиқий-назарий жиҳатдан тўлиқ англаб олиш ва амалиётга кўллашгача бўлган даврийлик мураккаб жараёндир.

Ахборот-психологик иммунитетни шакллантириш алоҳида муносабат билан ёндошишни, услубиётни ҳамда мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганишни тақазо этади.

Бунга асосий сабаб:

- ❖ иммунитетни шакллантиришда муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизликка учраш таҳдидининг мавжудлиги;
- ❖ ёшлар тўқнашадиган, баъзан кўп йиллар давомида муваффақиятли ёки муваффақиятсиз курашадиган ҳаётий ҳолатлардан бири – бу орзунинг, шахсий фикрнинг ўйлаганидек рўёбга чиқмаслигини англаш;

Ёшлар аксарият ҳолларда ўз дунёқараси, шахсий тасаввурлари доирасида ва савиясида фикрлайди, бу фикрлашни вазиятнинг ижобий ёки салбий ҳолатлари билан боғлаб таҳлил қилиш тажрибасига эга бўлмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий ғоя тарғиботи сиёсий тарбия, меҳнат тарбияси ва ахлоқий тарбия билан уйғунликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Мағкуравий фаолият ана шундай яхлит тизим шаклига келтирилгандагина мукаммаллик касб этади. Умуман олганда, тарғибот-ташвиқот технологияларининг таъсирчанлигини оширишда қуйидаги усуулларни кўллаш кутилган самарани бериши мумкин:

Биринчидан, тарғиботда мураккаб, чалкаш, мавҳум фикрлардан фойдаланиш самарасиздир. Мазмун қанчалик содда, аниқ тушунтирилса, таъсири шунчалик юқори бўлади.

Иккинчидан, инсон кўпроқ ҳиссий таъсирга мойил бўлади, шунинг учун унинг ақл-идроқи билан бир қаторда, ҳис-туйғуларга ҳам мурожаат қилиш самара беради.

Учинчидан, тарғибот матнлари чуқур ўйланган, мантиқий изчил, ижодий ишлаб чиқилган бўлиши даркор;

Тўртингидан, тарғиботдаги қудратли усул ишонтиришдир;

Бешинчидан, тарғибот ишларининг самарасини ошириш учун ноанъанавий усулларни қўллаш ва илғор тажрибаларни кенг ёйиш талаб этилади.

Таянч тушунчалар: замонавий технологик усуллар, янги технологик услуг соҳалари, сиёсий тарбия, меҳнат тарбияси, ахлоқий тарбия, ноанъанавий усуллар, янги технологиялардан фойдаланиш усуллари.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар.

1. Замонавий технологик услугларни “Кластер” усулидан фойдаланиб таҳрир қилинг.
2. Миллий ғоя тарғиботида анъанавий ва замонавий технологиялардан фойдаланишни гурӯҳларга бўлинниб афзал ва чекланган томонларини кўрсатинг.
3. Ёт ва заарли ғоялар таъсирига тушган айрим ёшларни миллий ғоя тарғибот технологияларидан фойдаланган ҳолда уларнинг миллий ғояга ишонч ва эътиқодини ошириш йўлларини асосланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: —Ўзбекистон‖, 2013.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. К. Назаров таҳририостида. -Т.: Маънавият, 2009.
3. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиши. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар.// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил
4. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердикулова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

Хориж манбалари:

1. Solderblom N. Das Wetter des Gottesglaube. Berlin, S. 162.
2. Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy -Schmidt Number: S- 3277.On-line since: 24th January, 1995.

3- мавзу: Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлигига эришиш йўллари.

Режа:

1. Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлиги тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи
2. Миллий ғоя тарғиботи самарадорлиги мезонлари ва тамойиллари
3. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигига эришиш йўллари ва омиллари

1. Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлиги тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи.

Ҳар қандай ижтимоий фаолият ва уни амалга оширишда қўлланиладиган усул-воситаларнинг, шу жумладан миллий ғоя тарғиботи технологияларининг ижтимоий-амалий қиммати ва аҳамияти уларнинг самарадорлиги билан белгиланади. Ўзбек тилида “самара” сўзи - натижа, хосила, фойда деган маъноларни билдиради. “Самарадорлик” эса - самарали, фойдали бўлишлик; фойдалилик демакдир. Бинобарин, “самарадорлик” тушунчаси ишҳаракат ёки фаолиятнинг фойдали, самарали бўлган ҳолатини ифодалайди. Шунга кўра, миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлиги деганда, мазкур технологиялар қўлланилиб амалга оширилган тарғибот ва ташвиқот ишларида эришиладиган ютуқлар, ижобий натижалар кўлами ва даражаси тушунилади. Бу эса миллий ғояни аҳоли онги ва қалбига сингдириш, тушунтириш, моҳиятини очиб беришдаги реал натижаларда намоён бўлади. “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарадорлиги, - деб таъкидлайди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов, - аввало ҳалқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқдир”.⁶ Ушбу фикрда жамиятимизда амалга оширилаётган ғоявий тарғибот ва ташвиқот ишларининг, жумладан уларда

⁶ Каранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008, Б-76-77.

қўлланилаётган усул-восита ва технологиялар самарадорлигининг ҳам мезони акс этган.

Айни пайтда миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигига уларнинг замонавийлиги, тўғри ва маҳоратли қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда самарадорлик, тарғибот технологияларини ишлаб чиқувчи ва уларни қўлловчи субъектларнинг билим савияси, малака ва маҳоратига ҳам боғлиқ, албатта. Умуман эса, тарғибот технологияларининг самарадорлиги жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий шарт-шароитлар, аҳоли турмушидаги янгиланиш ва ўзгаришлар ҳамда уларнинг ҳаётида амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ишларнинг натижалари билан боғлиқ бўлиб, қўйидагиларда намоён бўлади:

- ❖ жамият ҳаётида соғлом ижтимоий-маънавий муҳит;
- ❖ миллий ғурур ва ватанпарварликнинг яққол намоён бўлиши;
- ❖ аҳолиниг кўтаринки кайфияти, руҳан тетик ва фаоллиги;
- ❖ жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусининг кучайиши;
- ❖ ижтимоий-сиёсий онгнинг юқорилиги;
- ❖ ижтимоий ҳаёт ва турмушдаги толерантлик;
- ❖ жамиятда турли ижтимоий иллатларнинг камайиши ёки умуман барҳам топиши;
- ❖ кишиларнинг келажакка бўлган ишончи ва ш.к.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, умуман жамиятдаги турли босқич, соҳа, даража ва кўламда амалга ошириладиган ғоявий-мафкуравий ишларнинг, шу жумладан миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигини белгиловчи мезонлардан бири, бу – жамиятимизда яшаётган кишиларнинг миллий ғояга бўлган мустаҳкам ишонч-эътиқоди, яъни мафкуравий эътиқодидир.

Дарҳақиқат, ҳар қандай шакл-қўриниш ва йўналишда қўлланилаётган ғоявий тарғибот ва ташвиқот технологияларининг предмети, мақсади ва вазифаларида кишиларда муайян ғоя, қараш ва таълимотларга доир билим ҳамда ишонч-эътиқодни шакллантириш асосий ўрин тутади. Шунга кўра фуқароларимизда миллий ғоя тўғрисидаги ҳаққоний билим билан унга нисбатан мустаҳкам ишончеътиқодга асосланган мафкуравий эътиқодни шакллантириш жамиятимизда амалга оширилаётган ғоявий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

Бу ўринда мафкуравий эътиқод жамиятдаги кишилар, турли ижтимоий гурух, бирлик ва тоифалар фаолиятини тартибга солиб, аниқ мақсадларга йўналтирувчи ғояларга қаттиқ ишончдан иборат руҳий-маънавий қучdir. У

маълум бир ижтимоий ғояларнинг кишилар учун руҳий-маънавий ҳаёт тамойилларига айланган ҳолатидир.

Мафкуравий эътиқоднинг шаклланиши ўзига хос ижтимоий асос ва омилларга боғлиқ бўлиб, бунда ғояларга, ундаги мақсад ва орзу-идеалларга ишонч алоҳида ўрин тутади. Яъни, умуман, ғояларнинг ҳаққонийлигига ва уларнинг руёбга чиқишига бўлган ишонч ҳар қандай мафкурунинг ҳамда у билан боғлиқ барча хусусиятларнинг шаклланишида асосий рол ўйнайди. Шунга кўра, мафкуравий эътиқодни ижтимоий ҳаётдаги объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланадиган, кишиларнинг онги ва қалбида маълум ғоялар ҳақидаги билимтасаввурларга асосланган ҳамда ана шу ғояларни руёбга чиқаришга бўлган мустаҳкам ишончдан иборат руҳий-маънавий ҳодиса сифатида таърифлаш мумкин.

Мафкуравий эътиқод ўзига хос тарзда, турли босқич, даража ва қўламларда, ижтимоий онг ва руҳият билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланади. Ижтимоий онг ва руҳият мафкуравий эътиқоднинг индивидуал ва ижтимоий даражаларда, фаолконструктив ёки пассив-консерватив характерда ривожланишини белгилайди. Шунга кўра кишилардаги ғоявий билимтасаввурлар билан руҳий-эмоционал хислатларнинг уйғунлиги мафкуравий эътиқоднинг мазмунида муҳим ўрин тутади. Бу ўринда мафкуравий эътиқодда ғоявий билим эмоционал-руҳий хусусиятлар билан бирлашиб, ижтимоий-маънавий эҳтиёж ва манфаат талабларига мос келадиган ишончга айланади. Ишонч, шу эҳтиёж-манфаат ва амалий тажрибадан келиб чиқувчи мақсад, орзу-интилишларга нечоғли мос келишига қараб эътиқодга айланади, ёки аксинча. Айни мана шу ҳол мафкуравий эътиқодни ва унга асосланган мафкуравий иммунитетнинг шаклланиб, ривожланиши ҳамда ижтимоий ҳаётга ўзига хос таъсири кўрсатишида муҳим ўрин тутади. Бинобарин, жамиятдаги умумий мақсад, орзуидеалларга ва уларни руёбга чиқариш йўлларига халқ ишончини шакллантириш – миллий мафкуруни ривожлантириш ва ундаги ғояларни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкини, бугунги кунда халқимизнинг асосий мақсади – юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлиб, кишиларимизда ана шу улуғвор эзгу ғояни руёбга чиқаришга бўлган мафкуравий ишонч-эътиқодни шакллантириш ғоявий тарғибот самарадорлигини таъминлашдаги ЭНГ муҳим вазифалардандир. «Миллий ғоя халқнинг ишонч-эътиқодига айланса, у ўзининг кутилган самарасини беради»⁷.

⁷ Каранг: Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслер. –Т.:Академия, 2005, Б - 131.

Ҳақиқий ишонч-эътиқод, ўз моҳиятига кўра, буюк ва қудратли руҳиймаънвий куч бўлиб, ҳар қандай мафкуранинг амал қилишида ва ундаги ғояларнинг рўёбга чиқишида ҳал қилувчи ўрин тутади. Зеро, эътиқодли одам улуғвор, қудратли ва жасур бўлади. Буюк бобомиз Амир Темур кўтарган эзгу ғояларнинг амалга ошишида аждодларимизнинг шу ғояларга бўлган мустаҳкам ишонч-эътиқодлари муҳим ўрин тутган. Ана шу ишонч-эътиқодлари билан буюк аждодларимиз Ватанни озод қилиб, қудратли давлат, адолатли жамият барпо этишга ҳаракат қилишган. Буларга эришиш учун ҳаёти ва жонларини тикиб курашишган.

Шундай экан, бугунги кунда мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан кўтарилиган ҳамда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан янада самарадорлиги оширилаётган миллий ғояни тўла рўёбга чиқариш учун халқимизда шу ғояларга нисбатан мафкуравий ишонч-эътиқодни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу вазифани самарали ҳал этилишида жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида хизмат қилаётган кадрлар алоҳида ўрин тутади. Яъни, умуман, ғоявий-мафкуравий ишларга, хусусан миллий ғояни халқ ишонч-эътиқодига айлантиришга жамиятдаги факат бир соҳа ёки тоифанинг, масалан, таълим-тарбия тизими ва унда ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанларнинг ёки шу соҳадаги мутахассис, ўқитувчи ва тарғиботчиларнинг вазифаси деб қаралмаслиги, балки бунга ҳамма фанлар ва таълим-тарбия йўналишлари, шунингдек, ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган барча зиёлилар, айниқса эл ичида муайян ижтимоий мавқега эга кишилар: раҳбар кадрлар; олим, ёзувчи, шоир, санъаткор ва ш.к.лар бевосита масъул эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки, ҳар қандай жамиятдаги кишилар ижтимоий мавқеи баланд одамларнинг гапи ва ҳатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратишади, кўпроқ уларнинг айтганини маъқуллашиб, орқасидан эргашади. Улардан ўrnak олишади. Қолаверса, бу ҳол бизнинг халқимиз характеристидаги, миллий менталитетидаги асосий белгилардан биридир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ғоявий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини таъминлашда эл ичида обрў-эътибори баланд кадрларнинг фаолияти кўпроқ аҳамият касб этади. Бундай кадрларнинг мавқе-марtabаси, этакчилик салоҳияти қанчалик юқори бўлса, кишиларга шу қадар кўп ва кучли ғоявий таъсир ўтказади.

Одамлар обрўли кишиларнинг фикр-қарашлари, ғоя ва мафкураларига қараб, ижтимоий муносабатлар мазмунини, умумхалқ манфаатлари ва мақсадларини тушунади, уларнинг амалий фаолиятларини кузатиб, жамият тараққиёти қонуниятлари ва давлат сиёсати ҳақида хуносалар қиласди. Лўнда

қилиб айтганда, эл ҳурмат қиласиган одамларнинг айтиётган гаплари ва қилаётган ишлари кишиларда миллий ғоя ва мафкурага нисбатан ишонч-эътиқоднинг шаклланишига кўпроқ таъсир кўрсатади. «Одамлар ҳар қандай раҳбарни биринчи галда унинг фаолияти, ишининг амалий натижасига қараб баҳолайди. Қуруқ савлат ва баландпарвоз гаплар билан эмас, фақат шу ҳисобидан раҳбар обрў топиши, ҳурмат қозониши мумкин»⁸. Шу боис миллий мафкуруни кенг жамоатчилик онгиға сингиб, халқчиллашиши ва соғлом ишонч-эътиқодга айланиши учун кадрларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Уларнинг миллий ғояга нисбатан муносабатларида турли хил манфаатлар эмас, ишонч-эътиқод устун туриши лозим. Гояларнинг хаққонийлиги ва уларни рўёбга чиқариш усул-воситаларининг тўғрилигига ишонч-эътиқод шу тариқа шаклланиши мумкин.

Айни пайтда, миллий ғоя халқ ишонч-эътиқодига айланиб, уларда мафкуравий иммунитет ривожланиши учун жамиятдаги кишиларнинг мафкурага амал қилишини рағбатлантирувчи стимул - расмий сиёсий, ҳуқуқий асос ва шарт-шароитлар билан боғлиқ реал ижтимоий муҳит, механизм – руҳий-маънавий мотив ҳам бўлиши лозим. Чунончи, жамиятда маънавият ва маърифатнинг ижтимоий-сиёсий мақоми ҳамда маданиятли кишилар мавқеининг баланд бўлиши, ўз кучи ва билимига таяниб яшайдиган соғлом мафкуравий эътиқодли кадрларнинг қадрланиши, умуман миллий тараққиёт концепциясидаги тамойилларнинг ҳаётда тўла амал қилиши каби омиллар ана шундай мотив-механизм бўлади.

Таъкидлаш жоизки, миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигини ошириш бу соҳада кўзга ташланаётган муаммоларни бартараф этишни шартлаб қўяди. Зеро ҳар бир соҳада бўлгани каби ғоявий тарғиботда ҳам айрим муаммо ва камчиликлар йўқ эмас. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов бу масалага алоҳида тўхталиб, «Бугунги ҳаёт шиддати, воқелар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва ўринли ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўринларда афсуски, кеч қоляпмиз», деб таъкидлагани бежиз эмас.

Шу нуқтаи назардан, миллий ғоя тарғиботининг самарадорлигига қандай омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда? Бу муаммоларнинг эчими қандай? Ғоявий тарғиботда нималар назардан четда қолмоқда? Тарғибот-ташвиқот ишларига қандай тарзда ёндашган маъқул? Бугунги кунда миллий ғояни халқимиз онги ва

⁸ Каримов И.А. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси олий мажлисининг биринчи сессияси иккинчи йигилишида сўзланган нутқ. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. Б. - 358.

қалбига сингдириш самарадорлигини ошириш учун яна нималарга эътибор бериш зарур?

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессияси маъruzасида баён этган асосий вазифа ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар Дастурида юқоридаги саволларга жавоб тариқасида «Дастурни амалга ошириш бўйича қуйиладаган асосий талаблар» банди киритилган. Ушбу бандда дастурни амалга оширувчи мутасаддиларга қуйидаги талаблар қўйилган:

- ❖ ўтказилаётган тадбирларни кампанияга айлантирмаслик;
- ❖ ўқиб бериш усулидан воз кечиш;
- ❖ табдирларни “мажбурият”га айлантирмаслик;
- ❖ одамлар билан очик-ойдин ва юзма-юз мулоқатдан қочмаслик

Эътиборлиси шундаки, юқорида қайд қилинган талаблар нафақат давлат дастурининг ижросида, балки миллий ғоя тарғиботида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан бугунги кунда тарғибот-ташвиқот ишларида кампаниябозликка берилиш, мафкурани тарғиб қилиш ўрнига унинг таърифларини «ёдлатиш», турли тадбирларга кишиларни мажбурий тўплаш, муаммолар ҳақида очик гапиришдан қочиш, одамлар билан юзма-юз мулоқатга воизларнинг тайёрланиб келмаслиги, сон кетидан қувиб, сифатни унутиб қўйиш, тарғиботда айrim тушунчаларнинг ўринли-ўринсиз ишлатилиши натижасида уларнинг қадрсизланиши каби муаммолар мавжуд.

Агар соғлом ахборот муҳити устувор бўлмаса, қисқа вақтда ҳар қандай давлатнинг ички ахборот маконидаги сиёсий-ижтимоий муҳит издан чиқиб, «хатар учоқлари» пайдо бўлади. Натижада жамиятда ғалва бошланади, расмий ахборот тарқатиш тизими ишдан чиқади, расмий бошқарув ва унинг мафкураси таназзулга учрайди. Ўз эчимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларнинг эчимини ҳал қилиш бўйича давлат амалга оширган ишлар ҳақидаги ахборотлар ўз вақтида халққа этиб бормайди. Энг ачинларлиси, «ахборот бўшлигини» шакллантириш билан бир қаторда «жим ўтириш» позицияси қарор топади.

Ҳозирги вақтда, нафақат Республикамизда, балки бутун дунёда таълим соҳаси ғоявий таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Жумладан, олий таълимда жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб борувчи кадрлар тайёрланади. Статистик маълумотларга кўра, кейинги йилларда дунёдаги талабаларнинг умумий сони 13 млн. дан 82 млн гача ошган. Кейинги 30 йил давомида бутун дунёда олий таълимга бўлган талаб 6 баравар кўпайган ва 2025 йилга бориб, дунё бўйича 160 млн. талаба бўлиши кутилмоқда. Бу эса, бир томондан, жамиятда ғоявий мафкуравий ишлар бўйича кадрлар тайёрлаш

кўламининг кенгаяётганини, бошқа томондан, ижтимоий ҳаётда ғоявий таълим-тарбия аҳамиятининг ортиши билан боғлиқ талаблар кучайишини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, унда ғоявий таълим-тарбия изчил йўлга қўйилгани, бу борада қатор олий ўқув юртларида “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳукуқ таълими” бакалавриат таълим йўналиши ва унинг базасида магистратура мутахассислиги ташкил этилиб, уларда замон талабаларига жавоб берадиган ҳар жиҳатдан этук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Ғоявий-мағкуравий ишларни самарали ташкил этишда мактабларнинг ўрни бекиёс. Чунки олти-этти ёшар бола токи мустақил шахс сифатида шаклланиб, вояга эткунига қадар бўлган ҳаётини, асосан, мактабда ўтказади. Демак, мактаб инсондаги қадриятлар, қарашлар интилиш, дунёқарааш ва мақсадлар шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мактаб билим бериш билан бирга, ғоявий тарбия ўчоги ҳам бўлиши лозим. Инсондаги ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик хислатлари, комил инсонга хос бўлган бошқа хусусиятларнинг қарор топиши унинг шахс сифатида шаклланиш жарёни билан бир вақтда кечса, бу сифатлар унинг учун доимий қадриятга айланиши мумкин. Шу боис, мактаб ёшидаги болаларни этук инсон қилиб тарбиялашда муаллимларнинг зиммасига улкан масъулият юкландади. Бунда ҳар бир ўқитувчи билим ёки тарбия берувчи эмас, балки ўқитувчи миллий ғояларнинг тарғиботчиси сифатида мулоқат олиб бориши мақсадга мувофиқ. Демак, ҳар бир ўқитувчи ўз вазифасини фақат ўқувчига дарс беришдангина иборат деб билмай, миллат равнақига ҳисса қўшадиган фуқороларни тарбиялаётганини ҳам доимо эътиборга тутмоғи лозим.

Ахлоқсизлик ғояларини аксарият ҳолда тажрибасиз ёшлар билмасдан «эвропача маданият» ва «эркинлик» сифатида қабул қилиб, ўзлари кутмаган ҳолда алданиб қолишлари мумкин.

Ўзбекистонда четдан кириб келаётган ёт ғояларга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Тарихий хотира тикланиб, Амир Темур даврида шакллантирилган «куч-адолатда», «эл-юрт озодлиги», «инсоф ва диёнат бирлиги», «маънавият – келажак омили» каби ҳаётбахш ғоялар, бугунги кунда ёшларни ғоявий тарбиялаш, мағкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларда мустақил ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш ишлари тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу жараён тадрижий ривожланишга ундейдиган ҳаётбахш ғояга ва

ҳаракатланиш дастурига эга бўлиши тақазо этилади. Мазкур ҳаракат дастури кўйидаги жараёнларни қамраб олиши керак:

- ❖ ташқаридан кириб келаётган хавф-хатарларни «пинҳона ривожланиш» даврида аниқлаш.
- ❖ миллатнинг, ҳалқнинг жамиятда қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормалари, маданий ривожланиш тамойилларини янада ривожлантириш.
- ❖ интернет ва хорижий оммавий-ахборот воситалари орқали кириб келаётган турли ахборотларга нисбатан оқилона муносабатни қарор топтириш.
- ❖ ёшларда миллий ғояга ишончни - мафкуравий иммунитетни шакллантириш;
- ❖ Таълим тизимида мафкурани тарғиб этишда ўқитувчи ёшларнинг дидига, қадрият ва қарашларига мос тарзда ёндашиш талаб этилади. Миллий ғоя тарғиботига хизмат қиласиган адабиётлар ёш авлоднинг тафаккури ва билим даражасига мос ҳолда содда, таъсирчан, оммабоп тарзда ёзилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Зоро, “Халқимизнинг эзгу ҳаёт талабларига жавоб берадиган, унинг туб манфаатлари, орзу-интилишларини ҳар томонлама акс эттирадиган миллий ғоя, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юргдошимизнинг ўз ғоясига айланса, уларнинг қалби ва юрагидан чуқур жой олса, - мен ишонаман – ана шунда биз кўзлаган юксак мақсадларимизга албатта этамиз”⁹.

2. Миллий ғоя тарғиботи самарадорлиги мезонлари ва тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси бош қомуси бўлган Конституциямизнинг “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуqlари олий қадрият ҳисобланади”¹⁰ деб алоҳида қайд этилганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуqlariga бўлган эътибор нечоғли аҳамиятли эканлигини кўришимиз мумкин. Миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш муҳим мезонлари:

- ❖ миллий-маънавий мерос ва қадриятларни хурмат қилиш ва унга содиқлик;
- ❖ умуминсоний демократик қадриятларга содиқлик;
- ❖ озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш;
- ❖ ҳалқ фаронлиги даражаси;

⁹ Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.:“Ўзбекистон”, 2015, Б-297-298.

¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон. – Т.: 2014, 13-модда.

- ❖ Ватан равнақи, юрт тинчлиги;
- ❖ ҳалқни тинчлик ва омонлиқда яшаши билан белгиланади.

Миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш муҳим тамойиллари:

- ❖ инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларнинг устуворлиги;
- ❖ инсон ҳаётининг даҳлсизлиги;
- ❖ инсон шаъни ва қадр-қиммати, уни энг олий қадрият эканлиги;
- ❖ қонун устуворлиги;
- ❖ адолат;
- ❖ миллий ва умумманфаатлар уйғунылиги;
- ❖ мафкуравий плюрализм;
- ❖ фикрлар хилма-хиллиги;
- ❖ бағрикенглик билан белгиланади.

Миллий ғоя тарғиботининг таъсирчанлигини оширишдаги энг асосий шартлардан бири – мафкура тарғиботи зимдан амалга оширилиши зарурлигидир. Инсон унга таъсир ўтказилаётганини сезмаслиги лозим. Умуман, тарғибот давомида «мафкура» сўзининг кўп ишлатилиши шарт эмас. Мафкура фуқаро онига зимдан, билвосита – бадиий ва саҳна асарлари, фильмлар, санъат дурдоналари, ҳаёт тарзидағи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар орқали сингдирилиши керак. Зеро ҳар қандай этук санъат асари миллий мафкура тарғиботчиси бўла олади. Маълумки адабиёт ва санъат улкан мафкуравий қудратга эга бўлиб, у ғояларни бадиий жиҳатдан бойитиб томошабин ёки ўқувчини ўз таъсирига олиш қудратига эга. Айнан бадиий асарлар бугунги кунда мафкураларни элтувчи ғояларни қитъалараро зимдан ташувчи воситага айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Бутун дунёда бўлаётган ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг таҳлилидан кслиб чиқиб, уларнинг мафкуравий-ғоявий негизларини янада ривожлантириш зарур.

Дунёдаги ёвуз ниятли геосиёсий ҳаракат ва кучлар ёшларга кенг миқёсда ғоявий таъсир кўрсатиш ҳаракатларини олиб бормокда. XX асрга келиб, урушлар олиб борища ғоявий таъсир муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муайян давлатни ўз аҳолиси олдида ва халқаро майдонда обрўсизлантириш учун қарши ахборот фаолиятлари олиб бориш, ахборот-психологик таъсир кўрсатиш ошкора тусга кира бошлади.

Ахборот технологияларнинг амалиётга татбиқ этилиши – жаҳон ахборот маконида мисли кўрилмаган мазмуний ўзгаришларга олиб келди. Биринчи жаҳон урушида қўлланган информацион-психологик таъсир технологиялари, ўз навбатида ахборотнинг технологик ривожланишига асос солди. Ахборот-ресурс, бойлик ва маҳсулот сифатида қисқа вақт ичидаги мисли кўрилмаган

тезкорлик билан ривожланди. Ахборот-психологик таъсирни ўрганувчи илмий марказлар вужудга келди. Дастрраб 1914 йилда Англияда, 1915 йилда Францияда, 1917 йилда АҚШда, 1918 йилда Германияда маҳсус ахборот марказлари ташкил этилди.

АҚШда эса «Жамоат ахборот қўмитаси» тузилиб, унинг ривожланишига катта маблағлар ажратилди, психолог олимлар жалб қилинди. Бу қўмитани Президент В.Вильсоннинг яқин ўртоғи Ж.Крил бошқарди. Қиска вақт ичидаги ушбу қўмита томонидан АҚШ манфаати сингдирилган 75 млн. донадан ортиқ тарғибот нашрлари тарқатилди. Уруш даврида «Жамоат ахборот қўмитаси» томонидан бетараф давлатларнинг ва жаҳон ҳамжамиятининг дикқат-фикрини АҚШ фойдасига йўналтириш, чалғитиш мақсадида тинимсиз равишда соҳта маълумотлар тарқатилди. 1913-1921 йиллар давомида Вудро Вильсон АҚШ президенти вазифасини бажаарар экан, ахборот-психологик хуружга, унинг технологияларига, айниқса ахборот-психологик таъсир воситалари сифатида қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди:

- ❖ Жамоат фикрини шакллантирувчи ва вазифа юкловчи тизимлар
- ❖ Қарор қабул қилиш тизимлари;
- ❖ Ахборот-техник тизимлар;
- ❖ Ахборот-аналитик тизимлар;
- ❖ Ахборот-ресурслар;
- ❖ Оммавий-ахборот воситалари ва тарғиботга асосланган жамоат онгти ва фикрини шакллантирувчи тизимлар.

Ёшларда иммунитет ҳосил қилинмаса, дезинформациялар, очиқдан-очиқ бўйтон, соҳта фактларнинг таъсирига қарши курашиб бўлмайди. Ёшларда билимлилик асосида мустақил ва таҳлилий фикрлаш жараёнини ривожлантириш лозим. Мустақил фикрлаш жараёни этарлича шакллантирилса, ҳар қандай ғоявий таъсирлар ўз кучини йўқотади. Ахборот таҳлили ҳақиқий ҳолат билан қиёсланса, ўз-ўзидан ахборотнинг асл мазмуни намоён бўлиб, унинг таркибидаги тўқималар, соҳта фактларни истеъмолдаи олиб ташлаш мумкин.

3. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигига эришиш йўллари ва омиллари.

Бугунги дунё халқлари ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ва ғоявий-мағкуравий жараёнларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, инсон ва жамият тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи ғоявий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини таъминлаш йўлларини мунтазам ривожлантириб бориши тақазо этилмоқда. Бунда:

- ❖ тарғибот технологияларида миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини, унинг фойдали жиҳатларини холисона кўрсатиб бериш;
- ❖ икки ва кўп томонлама алоқа муносабатлари тизимини шакллантириш;
- ❖ тарғибот технологиялари воситаларини янада такомилаштириш;
- ❖ миллий ғоя тарғиботида сўз ва амал бирлигига эришиш;
- ❖ жамоатчиликнинг қизиқиши, мақсад ва интилишларини ҳисобга олиш;
- ❖ тарғиботларнинг ишончлилигини таъминлаш;
- ❖ муаммоларни эчиш йўлларининг асосли бўлиши.

Зеро, дунёда ёвуз ниятли сиёсий ҳаракат ва қучлар ёшларга қарши кенг кўламдаги тизимли ғоявий таъсир кўрсатиш ҳаракатларини олиб боришимоқда. XX асрга келиб, урушлар олиб борища ғоявий тарғибот муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муайян давлатни ўз аҳолиси олдида ва халқаро майдонда обрўсизлантириш учун мафкуравий фаолият олиб бориш, ахборот-психологик таъсир кўрсатиш ошкора тусга кира бошлади.

Мамлакатимизда бугунги кунда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришда қуидаги йўналишларда кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

- ❖ ўзбек халқининг бой тарихий, илмий, бадиий, маданий-маърифий ва ахлоқий меросини ҳар бир фуқаронинг маънавий мулкига айлантириш, миллий ўзликни англатиш мақсадини устувор йўналиш сифатида амалга ошириш, миллий ғоя ва мафкуруни халқимизнинг онги ва қалбига чуқур сингдириш, уни руҳий ва маънавий куч-қудрат манбаига айлантириш;
- ❖ Ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиб бориш, сиёсий жараёнларга, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар таҳлили асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбida миллий ғуурни кучайтириш, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслик туйғусини камол топтириш;
- ❖ аҳолининг барча қатламларида, хусусан, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, фидойилик ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, уларда дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатда бўлиш ҳиссини уйғотиш;
- ❖ жамиятда ўзаро инсоний муносабатлар, иззат-эҳтиром, меҳр-мурувват, миллатлараро тутувлик, диний бағрикенглик ғояларини шакллантириш жараёнларини миллий ғоя ва маънавият тамойиллари билан уйғун тарзда тизимли ва узлуксиз тарғиб этиб боришни йўлга қўйиш;
- ❖ ахлоқий, тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ёшларда юксак маънавий ва маданий сифатларни шакллантириш, умуминсоний қадриятлар, миллий ўзликни англаш, ғуур ва ифтихор, соғлом турмуш тарзини қарор

топтириш, бой тарихий-маданий меросга асосланган ҳолда мустақил оиласвий ҳаётга тайёрлаш, халқимизнинг азалий анъана ва урф-одатларига асосланган ҳолда жамиятда ўз ўрнини топиш, касб-хунар эгаллашга бўлган иштиёқини кучайтириш;

❖ Олий таълим муассасаларида талабаларнинг этакчилик хусусиятларини намоён қила олишлари ҳамда бошқарув маҳорати малакасини ҳосил қилишларига кенг қамровли имкониятлар очиб берилишини таъминлаш;

❖ ёшларнинг илм-фан соҳасидаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоийиқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жисмонан бақувват бўлишлари учун кўмаклашиш, илмий-ижодий интилишларини рўёбга чиқариш;

❖ ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунини кенг тарғиб этиш орқали уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

❖ “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдидларнинг ёшлар ҳаётига салбий таъсир ўтказишига йўл қўймаслик ва уларда қатъиятлиликни камол топтириш;

❖ ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини кенг тарғиб этиш ва уларнинг онгида баркамол шахс идеалини шакллантириш орқали замонамиз қаҳрамонларини камол топтириш.

Маънавий, маърифий, мафкуравий тарғибот олиб боришнинг моҳияти ва устувор йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланади:

❖ юксак ривожланган, демократик давлатлар қаторида бўлишдек олий мақсадни амалга ошириш учун барча имкониятларни сафарбар қилиш, амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотлар қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини аҳолининг кенг қатламлари орасида жадал тарғиб қилиш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

❖ мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларининг жаҳон ҳамжамияти ва дунё ташкилотлари томонидан бир овоздан эътироф этилганлигини кенг тарғиб этиш;

❖ аҳолининг турли қатламлари, хусусан, ёшлар орасида тарихий хотирага, миллий ўзликка эга бўлиш заруратини англатиш борасидаги кенг кўламли тарғибот ишларини олиб бориш, миллий маънавиятимиз обидаларини асрарш, эъзозлаш ва маданий меросимизни ёшлар томонидан мақсадли ҳамда онгли ўзлаштирилишига эришишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиши;

- ❖ мамлакатимизда инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг самарали механизмларини қўллаш, инсон капиталини ривожлантириш жараёнларини кенг тарғиб этиш;
- ❖ улуғ мутафаккирларимизнинг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссаларини халқимиз онги ва қалбига этказиш ҳамда шу асосда миллий ғурур туйгусини тарбиялаш;
- ❖ мамлакатимиз ёшларини санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишиларини ҳар томонлама рағбатлантириб бориш, кино, театр санъатининг халқимиз барча қатламлари орасидаги аҳамиятини юксалтириш, оммавийлигини таъминлаш борасидаги тизимли фаолиятни йўлга қўйиш;
- ❖ халқимизнинг миллий қадриятлар, тарихий обидаларига бўлган эҳтиромли муносабатни янада ошириш, айниқса ёшларнинг муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва музейларга ташрифларини ташкил этиш;
- ❖ ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, бадиий-эстетик диidi ва савиясини узлуксиз юксалтириб бориш мақсадида мутолаа маданиятини ривожлантириш, бу борада ўзига хос мусобақа ва танловларни ташкил этиш, “Зиёнет” тармоғида ҳар бир таълим субъектининг ўз электрон-ахборот ресурсларини яратиш ишларини маънавий рағбатлантириш;
- маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари хақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равища олиб бориш;
- ❖ оила, махалла, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи, олий таълим муассасалари ва таълимдан ташқари муассасаларда комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ҳамда онига таъсирчан усуlusлублар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;
- ❖ муқаддас ислом динининг маънавий-маърифий имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, имомларнинг маърузаларини мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар билан бойитиш бўйича ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш;
- ❖ аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урфодат, анъана ҳамда қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган давра сұхбатлари ва учрашувлар,

маънавий-маърифий тадбирларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

❖ миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳолининг барча қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, анъанавий ҳаёт тарзимизга зид бўлган заарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини танқидий очиб бериш;

❖ халқимизнинг кўп асрлик маънавияти, миллий қадриятлари ва ҳаётий удумларига қарши қаратилган мафкуравий хуружларга қарши самарали ва тизимли кураш олиб бориш бўйича аниқ илмий-амалий дастурлар ишлаб чиқиш;

❖ фуқаролар қалбида эркин тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши событ тура олишга қодир бўлган иродали, фидоий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш, бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли таклифлар ҳамда тавсиялар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

❖ йилнинг ҳар чорагида амалга оширилган амалий фаолият натижаларини, таҳлилий материалларнинг хulosаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан,

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашрлари бўлмиш “Тафаккур”, “Маънавий ҳаёт” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Маънавият” нашриёти орқали мунтазам чоп этиб бориш, шу билан бирга, ҳар ойда амалга оширилган позитив ўзгаришлар ҳақидаги ахборотлардан веб-сайтлар орқали мунтазам равишда кенг жамоатчиликни хабардор этиб бориш;

❖ айрим киностудиялар томонидан тижорат йўлида яратилаётган савияси паст ва миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга зид бўлган фильмлар яратилишининг олдини олиш мақсадида таъсирчан воситаларни ишга солиш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

❖ айрим вояга этмаган ёшларнинг таълим жараёнларини ташлаб, норасмий равиша ишлаш учун чет элларга кетишининг олдини олиш ва улар ўртасида ҳамкор ташкилотлар билан биргалиқда ота-оналар, васийлар ва кенг жамоатчилик иштирокида тушунтириш ишларини олиб бориш;

❖ маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги, таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида молиявий рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Гоявий таъсирларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларининг мазмунини, шакл ва услубларини, муҳитнинг ёшларга таъсирини ўрганишда:

❖ гоявий таъсирларга қарши дастурларни яратиш ва амалга оширишда умумий тамойилларга эътибор қаратишни;

❖ гоявий тарбия жараёнида тизимли ёндошувни;

❖ барча жараёнларни узвий боғловчи мониторинг тизимини яратишни;

❖ янги технологияларни жадал қўллаш ва тезкорликда апробациядан ўтказишни талаб қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, гоявий тарғибот-ташвиқот самарадорлигини таъминлашда маънавий-маърифий тадбирлар, уларни амалга оширувчи мутахассисларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадбирларда жамоани ўзига қаратиш, кишиларга таъсир кўрсатиш, уларни илҳомлантириш тарғиботчидан жуда катта маҳорат талаб этади. Шунинг учун, тарғиботда воизлар ўз маъruzалари таъсирчанлигини ошириш чораларини кўриши, уларнинг ҳаётий ва ҳаққоний бўлишига эришиши, ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларни пухта таёrlаши ва замонавий технология ва воситаларни қўллаши лозим.

Шунингдек, жамиятда ёшларни заарли мағкураларнинг салбий таъсиридан ҳимоялашда санъатдан фойдаланиш, миллий ғояни тарғиб қилишда бадий обрзларни қўллаш амалиёти муҳим. Чунки, бадий образлар орқали миллий ғояни тарғиб қилиш, ёт мағкураларга қарши курашиш самарали ва таъсирчан усул ҳисобланади. Миллий ғоянинг тарғиботига сарфланган маблағ қисқа вақтда моддий бойлик келтирмаслиги мумкин, лекин ҳозирда бу соҳани сарф-харажатига алоҳида эътибор бериши муҳим бўлмоқда. Шунинг учун ҳам унинг самарадорлигини мунтазам ошириш йўллари тўғрисида ўйлашимиз керак.

Таянч тушунча: самарадорлик, гоявий тарғибот технологиялари самарадорлиги, самарадорлик мезонлари, технологиялар самарадорлигини оширишнинг концептуал асослари, мағкура тарғиботи, мағкуравий тарғибот муаммолари, миллий ғояга ишонч, мағкуравий эътиқод, ақидапарастлик, мағкура тарғиботи омиллари.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириклар:

1. Миллий ғоя тарғиботида самарадорликка эришишнинг янгича технологиялардан фойдаланишни афзалликларини таҳлил этинг.

2. Миллий ғоя тарғиботи самарадорлигига эришишда таълим-тарбия, оила маҳалла, мактабнинг ўрнини қиёсий таҳлил қилинг.
3. Миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини белгиловчи мезонлар ва омилларни таҳлил этинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: —Ўзбекистон‖, 2013.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. Қ. Назаров таҳририостида. -Т.: Маънавият, 2009.
3. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиши. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил
4. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердиқулова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

Хориж манбалари:

1. Solderblom N. Das Wetter des Gottesglaube. Berlin, S. 162.
2. Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy -Schmidt Number: S- 3277.On-line since: 24th January, 1995.

4-мавзу. Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалари”.

РЕЖА:

1. Миллий ғоя тарғиботи ва “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг ўзаро муносабати
2. Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг демократик асослари ва замановий кўринишлари
3. “Жамоатчилик билан алоқалар”да жаҳон тажрибаси ва тарғиботда миллий маънавий хусусиятларни ҳисобга олишнинг аҳамияти

1. Миллий ғоя тарғиботи ва “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг ўзаро муносабати

Миллий ғоя тарғиботида турли хил жамоатчилик билан ўзаро муносабатларга амалга ошади ва жамият ҳаётининг турли хил соҳалари, воқеа ва ходисалари билан ўзвий алоқадорликда намоён бўлади.

“Жамоатчилик билан алоқалар”нинг миллий ғоянинг ижтимоий ҳамкорлик ва ижтимоий ҳамжиҳатлик ғояларига таяниш муҳим аҳамиятга эга. “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг мақсади умуммиллий мақсадга

йўналтириш, сафарбар этиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик ва тотувликни таъминлашдан иборат.

Дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир инсоннинг иқтидори ва салоҳиятини жамият тараққиёти сари йўналтиришга ундалмоқда, бунда миллий ғояни тарғиб этишда “Жамоатчилик билан алоқалар”, унинг шакллари муҳим ўринга эга. Жамоалар турли хил бўлиб, ҳар бири ўзига хос жиҳатларига эга. Миллий ғоя тарғиботида уни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш, кутилган самарани бериши мумкин. Демак, миллий ғоянинг тарғиботи ва жамоа ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд. Бунда қўйидаги хусусиятларни ҳисобга олиш миллий ғоянинг тарғиботига ижобий таъсир қўрсатади:

- ❖ Жамоанинг фаолият соҳаси;
- ❖ Жамоанинг социал-демографик ҳолати;
- ❖ Миллий таркиби;
- ❖ Жамоадаги маънавий муҳит;
- ❖ Жамоани ижтимоий ҳаётда эришган ютуқлари ёки муаммолари; □

Жамоа қадрлайдиган муҳим ғоялар ва мақсадлар.

Юқоридаги кўринишлар бўйича муайян билим ва маълумотга эга бўлиш миллий ғоя тарғиботини ташкил этишга ёрдам беради. Миллий ғоя тарғиботидан кўзланган мақсадни аниқ, ишончли ва таъсирчан, ҳаётий чиқишига, самарадор бўлишига ижобий таъсир қўрсатади. Акс ҳолда, кутилган натижага эришиб бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон давлати сиёсатининг туб моҳиятини одамларга тушунтириш, уларнинг бу сиёсатни қўллаб-қувватлашларига эришишда фойдаланиладиган технологиялардан бири “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиясидир.

«Публис релатионс» (ПР) «Жамоа билан алоқалар» тарғиботнинг демократик усулларидан бири саналади. «Жамоат билан алоқалар» технологиялари давлат билан халқ ўртасида мулоқот ўрнатиб, фуқароларда давлат сиёсатига мойиллик уйғотишига хизмат қиласади. Шу орқали давлатга ҳамфирк инсонларни кўпайтириб, уларни ишончли ҳамкорга айлантиради.

“Жамоатчилик билан алоқалар” инсонлар фикрларига, кайфиятига, хиссиётига ва охир оқибат хатти-харакатларига кучли таъсир қўрсатувчи «ишонч ва истаклар стратегиясидир».

Этакчи давлатларда бу технологиялардан фойдаланиш мафкуравий таъсир қўрсатиш индустрияси даражасига кўтарилиган. Ўзбекистонда ҳам мафкуравий жараёнларни тартибга солишда жамоа билан алоқалар технологияларидан фойдаланиш миллий ғоя тарғиботининг таъсирчанлигини, сўзсиз, оширади.

У бошқарувнинг алоҳида усули бўлиб, бошқарув тузилмаларининг жамият манфаатларига хизмат қилишига эътиборни қаратиш, амалга оширилаётган

ислоҳотларга жамоатчиликни сафарбар қилиш, жамиятда вужудга келадиган нохуш ҳолатлардан огоҳ қилиш орқали уларнинг олдини олишга хизмат қиласи. “Жамоатчилик билан алоқалар” қонуний, очик, самимий, ахлоқий меъёрларга мос келадиган мулоқотлар асосида амалга оширилади.

Қатор мамлакатларнинг давлат бошқарувида “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг қўлланилиши бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан фарқли ҳолда, давлат ва жамият ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик усулига ўтишга хизмат қиласи. Бунинг натижасида, давлат ва жамоатчилик ўртасида мавжуд кўзга кўринмас тўсиқ олиб ташланиб, демократик руҳдаги фуқаролар учун очик, уларнинг талабларига жавоб берувчи, ўзгаришларга тез мослашувчан янгича, самарали ишлайдиган бошқарувчилар қатлами шаклланади. Шу билан бирга, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларини қўллаш фуқаролар онгида демократик қадриятларни самарали сингдиришга, уларда ватанпарварлик туйғуларини уйғотишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

“Жамоатчилик билан алоқалар” деганда: “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари давлат органлари ва бошқа турдаги ташкилотларнинг инсонлар, ижтимоий гурӯҳлар, корхоналар билан ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини яратишга йўналтирилган фаолияти тушунилади. “Жамоатчилик билан алоқалар”ни илмий асосда ўрганилиши ушбу технологияларни қўллаётган субъектга олиб борилаётган сиёсатни қўллаш услубларини ўзлаштириш имконини беради. Қувватловчиларни аниқлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, субъект учун аҳамиятли бўлган ахборот оқимларини бошқариш услубларини ўзлаштириш имконини беради.

“Жамоатчилик билан алоқалар” миллий ғояни тарғиб этиш ва тарқатишнинг ўзига хос технологиясидир. И.Соловьёв томонидан берилган таъриф хам эътиборга лойиқ: “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари ахборот технологияларининг бир тури бўлиб, бирор сиёсий мақсадни амалга оширишда респондент¹¹ ни хурмат қилган ҳолда ахборот-таҳлилий фаолият юритиши назарда тутади, деб ёзади у. – Ушбу технологиялар коммуникатор¹² ва ретсипиэнт ўртасидаги ўзаро муносабатларни яратишга хизмат қиласи. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг хақиқатга асосланиши мавжуд муаммоларни кенг жамоатчилик ўртасида эркин муҳокама қилиш имкониятини беради ва фуқароларда сиёсий қарорлар қабул қилувчи марказ ҳакида ижобий тасаввур уйғотади. Бу технологиялар қуидаги тамойиллар асосида ишлаб чиқилади:

¹¹ Қаранг: Респондент - ахборотни қабул қилувчи.

¹² Қаранг: Коммуникатор - ахборот етказувчи.

- ❖ ахборотнинг холислиги ва ошкоралиги;
- ❖ ўзаро муносабатларда ҳам коммуникаторнинг, ҳам ретсипиэнтнинг манфаатларини хисобга олиш;
- ❖ жамоатчилик фикрига таяниб фаолият юритиш, жамоатчилик фикрини хурмат қилиш;

Ахборот этказиши фаолиятининг бундай ташкил этилишида коммуникатор ретсипиэнтга шунчаки ахборот қабул қилувчи деб эмас, балки ўз дунёқарашига эга шахс сифатида мурожаат қиласди. Шу сабабли, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг иштирокчилари жамоатчилик фикридан доимо бохабар бўлиб турадилар».

Олим ушбу муаммога тўхталар экан «Жамоатчилик ва алоқалар» технологиялари қандай мақсадга йўналтирилганлигига қараб уни бир неча турларга ажратади.

Масалан, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларнинг коммуникаторнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларни яхшилашда (рублис) шахснинг исталган қиёфасини яратишда (имаге макинг), оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустахкамлашда (медиа релатионс), ахборот этказиши ва унинг аудитория томонидан қабул қилишини бошқаришда (массаж манагемент) ахборот марказларидан кадрлар билан ишлашда (эмлоеэ соммумисатионс), жамоатчилик билан ўтказиладиган текширишларда (публик инволуэтмент), ҳомийлар билан яхши алоқаларни таъминлашда (инвестор релатионс), таништирувчи тадбирларни ўтказишда (спесиал эвентс), инқизозли вазиятларни бошқаришда (срисис манегемент) ва бошқаларда фойдаланиш мумкин»,¹³ деб эътироф этади. У мазкур технологияларнинг алоҳида кўринишларини санаб ўтади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаришини таъкидлайди. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларини бундай қисмларга ажратилиши ахборот бериш жараёнини бошқариш ҳар бир информацион лойиҳаларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш стандартлаштирилган вазифаларни амалга оширишда ижодий ёндашиш имкониятини беради. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари демократик давлатларда мамлакат томонидан жамоатчиликка ахборот этказишининг мазмунига айланганлиги боис давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари муаммоси бўйича илмий изланишлар олиб борган қатор олимлар давлат бошқарувида мазкур технологияларнинг қўлланилишини, аввало:

¹³ Каранг: Соловьев А.Н. Политология; политическая теория, политические технологии. - М.: Асек Пресс, 2000, С-518.

- ❖ давлат фаолияти тўғрисида фуқароларга ахборат этказиш;
- ❖ сиёсий жараёнларда фуқароларнинг иштироқини таъминлаш;
- ❖ фуқаролар томонидан давлат сиёсати ва дастурларини қўллаб-куватлашга эришиш;
- ❖ давлат тузилмаларининг ижобий имижини яратиш¹⁴ каби вазифаларни амалга оширишга хизмат қилишини таъкидлайдилар.

Таниқли психолог Эрих Фроммнинг таъкидлашича, кишиларни кўр-кўронга ишонтириш, уларнинг дунёқарашини бошқариш фикридан воз кечиб онгли ва фаол ҳамкорлик муҳитини яратиш зарур¹⁵, бу айнан “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари моҳиятини ташкил этади. Шу сабабли миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларидан фойдаланиш инсоннинг фикр эркинлигига дахл қилмайди, амалда бу борадаги ишларимизни яхлит тизим шаклига келтиришга хизмат қиласди.

2. “Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг демократик асослари ва замановий қўринишлари.

Ўзбекистонда “Жамоатчилик билан алоқалар” ўзининг демократик асосларига эга. У мамлакатимиз қомуси Конституциямизда ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлар ва қонунлар орқали кафолатлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Давлат ҳокимияти органлари фаолиятни очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги, “Сайлов тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар¹⁶да “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг ҳуқуқий асослари кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов мафкура тарғиботи масаласига тўхталиб «Биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамлар тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз. Ҳар қандай ҳалқни ҳалқ, миллатни миллат қиласиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ равшан ва чароғон этадиган мафкура - миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шарти одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеаликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир»¹⁷.

¹⁴ Қаранг: Соловьев А.Н. Политология; политическая теория, политические технологии. - М.: Асек Пресс, 2000, С-518.

¹⁵ Қаранг: Филипп А. Буари. Паблик рилейшиз или стратегия доверия.-М, 2001, С-25-26.

¹⁶ Қаранг: Lex.uz.

¹⁷ Қаранг: Каримов И.А Ўзбекистон келажагимиз келажагини ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999 й. 298-6.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари тарғибот ташвиқот масалаларига қаратилаётган ана шундай қатъий талабга тўла мос келади.

Чунончи, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларини қўлланилишида омманинг фикрининг бошқариш усулидан воз кечилади.

Олимлар “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларини тарғиботдан кескин фарқ қилишини таъкидлайди. Хусусан, Ф.Тейлорнинг фикрича, «Тарғибот – ахборот этказишнинг шундай усули, унда фақатгина коммуникаторнинг манфаатларига мос ғоялар, мафкуралар, ахборот оммага этказилади»¹⁸.

Улардан энг кўп қўлланилаётгани бу - “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиясидир. Унинг қисқача моҳияти – жамият манфаатлари йўлида давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасида мулоқот ўрнатиш санъатидир. Аввало бу технологияни қўллашнинг ва уни қабул қилишнинг моҳияти унга берилган қуйидаги сифатлари даражаси билан боғлиқ:

- ❖ аниқ мақсаднинг қўйилганлиги;
- ❖ шароитга ижодий мослашувчанлик;
- ❖ назарий ва услубий жиҳатдан пухталик;
- ❖ ортиқча мураккаблаштиришдан холилик;
- ❖ қўллашда қулайлик.

Мамлакатимизда яшаётган барча халқларнинг асосий бирлаштирувчи байроби бўлган – миллий ғояни туб моҳиятини тушунтириш, уни қўллабқувватлашларига эришиш, бу жараёнда вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда жамоатчиликнинг фикрига таяниш, миллий ғояни тарғиб этишда аҳолининг манфаати ва истакларини ўрганиш, фуқароларни ёт, зарарли мафкура ва ғоялар таъсиридан ҳимоялаш вазифаларини амалга оширишда жамоат билан алоқалар технологиясининг ўрни каттадир.

Дунё бугун ривожланишнинг янгича босқичига кирди. Бу даврда тараққиёт билан бир ўринда, 20-асрнинг мазмунини очиб берган “қуролланиш хавфи” анча камайган бўлса-да, аммо мафкуравий тазийқ даражаси анча ўсиб бормоқда. Ҳатто бугун биз баъзи бир мамлакатларни унинг таъсирига тушиб бораётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айнан ана шундай хавфларнинг олдини олиш ва уларнинг таъсирига чидаб бериш қобилиятига эга бўлган “қалқон” бу – халқимизнинг анъана ва тарихини ўзида мужассам этувчи, уни келажакдаги тараққиётини белгилаб бериш учун хизмат қиласиган миллий ғоядир. Аммо, миллий ғояни мавжудлигининг ўзи этарли, ҳолат эмас. Балки уни бир бутун

¹⁸ Қаранг: Taylor P.M. mumtions of the mind. History of Propoganda from ancient to present day-Manchester-New York, 1995. Р-6

ҳолда мазмунини тушуниш, қабул қилишлари, уни асраб-авайлашлари уни халқ ва давлат манфаати миқёсида қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. 1922 йилда таниқли социолог П.Сорокин буни исботи сифатида шундай деб ёзган эди: “ҳар қандай жамиятнинг тақдири аввало, уни аъзолари хусусиятига боғлиқ. Бефарқ ва лоқайд одамлардан ташкил топган жамият ҳеч қачон ривожлана олмайди. Бир гурух шайтонларга ажойиб конституцияни бериб қўйинг, барибир сиз улардан ажойиб жамият туза олмайсиз” деб ёзган эди. Айнан жамоат билан алоқалар технологияси миллий ғоя тарғиботида жамоат билан муносабатлар тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олганда, бугун ёшларнинг онгига миллий ғоя мақсадларини сингдириш, уларни анъаналаримиз, тарихимиз, умумеътироф этилган демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш бугунги кунда миллий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

“Жамоатчилик билан алоқалар”нинг замонавий кўринишлари:

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг вертуал қабулхонаси ва Халқ қабулхонлари;

- ❖ Вазирликлар билан тельефон алоқалари;
- ❖ Ижтимоий тармоқлар (интернет, электрон сайдлар);
- ❖ Сиёсий партияларнинг сайлов олди тарғиботи жамоатчилик билан учрашувлар;

- ❖ Электрон ахборот;
- ❖ Электрон хукумат;
- ❖ Матбуот хизматлари;

“Жамоатчилик билан алоқалар”нинг даражаси:

- ❖ Маҳаллий даражадаги мулоқатлар;
- ❖ Республика даражасидаги мулоқатлар;
- ❖ Минтақа даражасидаги мулоқатлар; □ Глобал даражадаги мулоқатлар.

Миллий ғоя тарғиботининг асосий мақсади – аввало, жамият барча аъзолари, шунингдек, ёш авлодни шу ғояга ишонч ва эътиқод асосида тарбиялаш, уларни турли “мафқуравий хавфлар”дан ҳимоя қилиш, давлат ва жамият манфаатларини доимо ўзига маъсулият деб ҳис қиласиган баркамол авлодни тарбиялаш бугун алоҳида мазмун касб этмоқда.

3. “Жамоатчилик билан алоқалар”да жаҳон тажрибаси ва тарғиботда миллий маънавий хусусиятларни ҳисобга олишнинг аҳамияти.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири инсоннинг фаоллигига боғлиқdir. Бу эса ислоҳотларнинг моҳиятини халққа тушунтиришни талаб қиласиган. Ўзбекистон ҳаётидаги ўзгаришлар

инсонлар онгига ҳам кенгроқ ўзгаришлар қилишни талаб этади. Ҳозирги кунда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бундай шароитда бегона мағкуранинг қўпорувчи таъсирига қарши доимий ва узлуксиз аксил тарғиботни ташкил этиш зарур. Чунки, бундай мағкуравий кураш нафақат мамлакатимиз ичкарисида балки халқаро майдонда ҳам олиб бориш талаб этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, демократик жамият барпо этиш давлатнинг фуқоролик жамияти билан доимий алоқага киришишини ўз мақсад ва вазифаларни инсонга тушунтириб боришини, жамиятдан келаётган талаб ва таклифлар асосида сиёсий қарорларни қабул қилишни тақазо этади. Бу эса жамиятдаги турли кучларнинг манфаатларини уйғунлаштириши улар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олиш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул усусларини жорий этиш имконини беради.

Ёшларнинг у ёки бу даражада ўз мағкуравий ҳимоя қобигига эга бўлиши, унга ғоявий таъсирларга қарши курашиш имконини беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ёшларнинг сиёсий вазиятни идрок этишида, мушоҳада ва таҳлил қилишида ғоявий барқарорлик мухим аҳамиятга эга.

Эзгуликка, фикр соғлигига йўналтирилган бунёдкор ғоялар – ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг мағкуравий-ғоявий негизлари бўлиб хизмат қиласди.

Ёшлар ўзининг онгли яшаш ҳуқуки учун, ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлиги, ҳаётини эзгу мақсадларини амалга ошириши учун ўзлари фаол бўлишлари керак.

Бунёдкор ғояларнинг асосий моҳияти ёшларнинг қалби ва онгига сингдирилса, шахс тафаккури турли эскича ақида ва тушунчалардан, турли ғоявий таъсирлардан холос бўлиб, давлат манфаатига хизмат қиласди. Унинг равнақига ўз ҳиссасини қўшади.

Шунингдек, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда одатда давлат ҳокимият органлари ислоҳотчи вазифасини ўтайди. Бошқача қилиб айтганда, айнан давлат ҳокимияти органлари ислоҳотларнинг йўналишлари кўриниши уларни амалга ошириш босқичларини белгилаб берадилар. Шу боис давлатнинг мухим вазифалардан бири ислоҳотлар жараёнида фуқоролар билан давлат ҳокимияти органлари ўртасида эркин ахборот алмашинувини йўлга қўйишдан иборат .

Ривожланган мамлакатларда фуқароларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятидан хабардор қилишнинг турли механизмлари мавжуд бўлиб, улардан энг кўп тарқалган «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларидир.

Жамоатчиликка муҳим ахборотларни ўз вақтида этказиш, ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратиш, жамоатчиликнинг ишончини қозониш, демократик қадриятларни сингдириш ишлари пухта ишлаб чиқилган режа асосида олиб борилишини тақазо этади.

«Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини қўллашда ҳар бир халқнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Масалан, Эвропа мамлакатларида қўлланиладиган «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини айнан жорий этиб бўлмаслиги мумкин. Бунда халқнинг менталитети, хусусиятлари, миллий-маданий мероси, анъаналари, қадриятлари, сиёсий онг ва маданияти даражаси билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш муҳим. Акс ҳолда, у умумеътироф этилган демократик тамойилларнинг миллий хусусиятлар билан боғлиқ эканлигига ҳам мос келмайди. Шунинг учун, жамоа билан алоқалар бўйича жаҳонда катта тажриба тўпланган бўлса, бу дегани, бошқа мамлакатлар учун “ягона андоза” дегани эмас. Ёки, айнан унга қараб бошқа мамлакатларга баҳо бериш тўғри эмас. Тарғибот технологияларидан, ҳар бир жамоа, халқ, миллат мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш миллий ғоя тарғиботи мақсадларига мос келади ҳамда демократик ўзгаришларга тўғри келади.

Таянч тушунчалар: Жамоат, «Жамоатчилик билан алоқалар», «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари, «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини демократик асослари, миллий ғоя тарғиботида жамоат билан алоқалар, миллий хусусиятлар.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. «Жамоатчилик билан алоқалар» тушунчасини “CWOT - таҳлил” этинг.
2. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини ахборот коммуникацион тизимдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда “Кластер” усулида тақосланг.
3. Сайлов жараёнида «Жамоатчилик билан алоқалар» кўринишлари ва унинг йўналишларини “Дебат” усулида таҳлил этинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: —Ўзбекистон‖, 2013.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. Қ. Назаров таҳририостида. -Т.: Маънавият, 2009.

3. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиш. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар.// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил

4. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердиқулова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

Хориж манбалари:

1. Solderblom N. Das Wetter des Gottesglaube. Berlin, S. 162.
2. Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy -Schmidt Number: S- 3277.On-line since: 24th January, 1995.

5 - Мавзу: Маънавий-маърифий тарбияни олиб бориша оила, маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик масалалари.

Режа:

1. Ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар.
2. Ислом минтақа маданияти ривожида буюк алломаларимиз меросининг аҳамияти.
3. Турли ғоявий таҳдидларга қарши курашда таълим тизими олдидаги вазифалар.
4. Оила-маҳалла-таълим-нодавлат ташкилотлари хамкорлигини таъминлаш борасидаги устувор йўналишлари

1. Ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар.

Ўзбекистон кўп миллатли, турли диний конфессия вакиллари яшайдиган мамлакат. Унда яшаётган турли миллат вакиллари, диний жамоалар вакиллари ўртасида тотувликни таъминлаш, бағрикенглик мұхитини шакллантириш, уларни ягона мақсад, манфаатлар йўлида уюштириш мухим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан бери ўтган давр мобайнида бу масалалар ҳар доим устувор аҳамият касб этиб келади. Турли миллат вакиллари, диний жамоа вакиллари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Айни дамда миллий тотувликни, диний бағрикенгликни тарғиб этиш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган маънавий-маърифий ҳатти-харакатлар, бу жараёнлардаги фаолиятда уюшқоқлик билан фаолият олиб бориш, унинг институционал тизимини такомиллаштиришга қаратилган фаол ишлар олиб борилмоқда.

2016 йилнинг 15 июнь куни Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ҳокимликлар, ҳукуқтартибот идоралари вакиллари, илм-фан ва маданият намояндлари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талabalari, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этиб нутқ сўзлади. Юқорида қайд этиб ўтилган масалаларга тўхтар экан Юртбошимиз шундай дейди: "Кун тартибига қўйилган масала, яъни, ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оиласаримиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ". Нега деганда, айнан шу масалалар Ватанимизнинг, ёшларимизнинг бугунги ва эртанги кунини, уларнинг тақдирини, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамотини ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Юқорида айтиб ўтганимиздек ҳар бир онгли инсонни чукур ўйлантирадиган, ташвиш ва хавотирга соладиган бу масалалар борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Маълумки Ўзбекистонимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди ва уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Таъкидлаш керакки, ушбу стратегия жамият ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларига чукур кириб, амалий ҳаракатлар мезонига айланиб бормоқда.

Бугун шу йўналишда олиб борилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилиб, ўз ечимини кутаётган долзарб вазифаларни белгилаб олишимизни давр тақозо этмоқда. Она ватанимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат бўлиб келган. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек ахил яшашмоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда. Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларимиз teng ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани кафолатлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш

бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилган. Юртимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий маданий марказ катта роль ўйнамоқда. Ана шу марказлар фаолиятини янги босқичга кўтариш, хорижий мамлакатлар билан маданий дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида яқинда муҳим бир қарор қабул қилинди. Унга биноан Республика байналмилал маркази негизида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг ilk йилларидан бошлаб виҷdon эркинлиги, эътиқод эркинлигини таъминлаш, турли диний конфессиялар ўргасидаги муносабатлар масаласига устувор аҳамият берилди. Уларнинг хуқуқий мақоми яратилди. Узоқ йиллар давомида амал қилиб қилиб келган турли тақиқлар олиб ташланди. Муқаддас динимиз қадриятлари тикланди, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларини обод қилиш бўйича жуда кўп иш қилинди ва қилинмоқда.

Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак мустабид тизим даврида бу муқаддас қадамжолар, масканлар оёқости қилинди. Уларнинг миллий ва диний туйғулари қўпол равишда камситилди, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатилди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик қўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб борди. Халқимиз манфаатларига зид бўлган, ноинсоний ғоя ҳукмон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлашга ҳаракат қиласр эди. Миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди. Наврўз, Рамазон, Қурбон Ҳайити каби қўплаб муқаддас миллий байрамлар тақиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Ҳожа Аҳрори Валий, Абдулхолик Фиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Усмон Носир каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирадан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди¹⁹. Агар собиқ мустабид тузум даврида юртимизда 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 мингдан ортиқни ташкил қиласди. Йилига саноқли кишиларгина ҳаж қилиш имкониятига эга бўлган бўлган бўлса, жорий йилда 7200 нафар фуқароларимиз муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўлдилар²⁰.

¹⁹ Қаранг: Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Асарлар 7-том.

²⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни

2. Ислом минтақа маданияти ривожида буюк алломаларимиз меросининг аҳамияти.

Маълумки, бизнинг минтақамиз, авваламбор, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Бу заминда табиий ва аниқ фанлар билан бир қаторда, илоҳий таълимотни ҳам оламга ёйган етук алломалар яшаб ўтган. Диёrimизда ислом таълимоти ва амалиётини ривожлантириш бўйича 3000 дан ортиқ илми-уламолар фаолият кўрсатганлиги бунинг яққол далилидир. Шулардан 1000га яқини Самарқандда, 600 тадан кўпроғи Бухорода, 300таси Насафда ва қолганлари бошқа шаҳарларда бўлган. Ал-Бухорий, Ахмад Яссавий, ат-Термизий, аз-Замаҳшарий, Мотрудий, Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд каби ўнлаб алломалар исломий-диний илмлар пешволари саналади. Улар тафсир, ҳадис, фикҳ, қалом каби исломий илмларнинг ривожига асос солган бўлиб, юртимиз довруғини Машриқ дунёси бўйлаб таратганлар. Улар диний илмларга, маърифатга ўзининг бутун ҳаётини бағишилаганла. Марказий Осиёлик илм аҳллари Имом ал-Бухорий «Ал-Жомеъ ас-саҳих» («Ишончли тўплам»), «Ал-Адаб ал муфрад» («Адаб дурдоналари»); Абу Мансур ал-Мотрудий «Китоб ат-тавҳид» («Яккахудолик ҳақидаги китоб»), «Таъвилот аҳли ас-сунна» («Суннийлик анъаналари шарҳи»); Замаҳшарий «Кашшоф» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш»); Абу Исо Термизий «Сунани Термизий»; Марғиноний «Ҳидоя» асарлари билан Исломнинг ривожланишига, мусулмон эътиқодини халқ дунёқараши билан уйғунлаштиришга катта ҳисса қўщдилар.

Халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташабbusи билан Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини барпо этишга қарор қилинди. Бу “Жаҳолатга қарши – маърифат” шиорининг амалий ҳаётда намоён бўлишининг ўзига хос исботидир.

3. Турли ғоявий таҳдидларга қарши қурашда таълим тизими олдидаги вазифалар.

Халқаро майдонда содир бўлаётган воқеалар ривожи миллий-маънавий ҳавфизлик борасида амалга ошираётган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришимизни, давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этишимизни тақозо қилмоқда. Масаланинг бу

таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асрар – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи://
Халқ сўзи. 2017 йил 16 июнь.

жиҳатига эътибор қаратар экан Ш.М.Мирзиёев шундай таъкидлаган эди: “Чунки ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий инқирозлардан ташвишга тушмаётган бирорта давлат ёки жамият йўқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айrim минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда”²¹.

Яқин ва узоқ ҳорижда мана шундай ўта мураккаб ва қалтис шароит рўй берадиган экан, бундай шароитда биз қандай йўл тутишимиз, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлашимиз, барқарор ривожланишни нималар ҳисобига таъминлашимиз мумкин, деган саволларга жиддий бош қотиришимиз талаб этилади.

Кейинги пайтларда Яқин Шарқ, Шимолий Африка мамлакатларида содир этилаётган террорчилик ҳаракатларидан кўзланаётган мақсадларнинг инсонийликка зидлиги, реалликдан бутунлай холилиги, асл мақаднинг сирлиги, айниқса бундай ижроилари қаторида Ўзбекистон фуқароларининг ҳам борлиги халқимизда афсус ва надомат уйғотмоқда. Тинчликни, осойишталикни, инсонийликни, яратувчанликни, сабрлиликни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз бундай шахсларнинг қилмишларини кескин қоралайди. Хавотирли томони бундай разил кучлар ўз сафларини тўлдиришда давом этишмоқда. Шундай экан ҳозирги вақтда ёшларимизни, чет элда ишлаб, ҳалол меҳнат билан даромад топаман, деб юрган фуқароларимизни бундай тусдаги турли-туман терористик кучлар чангалига тушиб қолмаслиги учун биз таълим-тарбияда, тарғибот ишларида қандай чораларни амалга оширишимиз талаб этилмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон ҳукумати қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Бизнинг мақсадимиз улар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, турли мазмундаги муаммоларни биргалиқда ечишдан иборат. Қисқа муддатда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев Туркманистон ва Қозогистон Республикасига икки марта ташриф билан борди. Россия Федерацияси, Қирғизистон, Хитой Халқ Республикаси, Саудия Арабистонига самарали ташрифлар амалга оширилди. Бундай ташрифларда асосий масалалар сифатида ўзаро ҳамкорликни, савдо-сотиқни янада кучайтириш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, минтақадаги барқарорликни таъминлаш, турли таҳдидларга биргалиқда курашиш кенг муҳокама этилди. Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида

²¹ Қаранг: Мирзиёев Ш.М.

ўтказилган Ўзбекистон ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ярмаркаси иккала мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди. Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида меҳнат миграцияси бўйича муҳим келишувга эришилди. Фуқароларимизнинг бу мамлакатда ҳалол меҳнат қилиши, қонуний йўл билан даромад топиши учун давлатимиз барча шароитларни яратиб бермоқда. Ёшларимизни яратилган имкониятлардан тўғри, оқилона фойдаланишларини таъминлаш учун таълим-тарбия тизимида, тарғибот тизимида тегишли вазифаларни белгилаб олишимиз талаб этилади.

Иккинчидан, бугунги қунда жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёшларда огоҳлик ва ғоявий салоҳиятни янада юксалтириш, аҳоли турмуш шароити ва бандлигини яхшилаш, уларни турли диний экстремистик уюшмалар чангалидан таълим-тарбия тизими, маънавий-маърифий уюшмалар фаолияти олдидаги устувор вазифалар сирасига киради. Анжуманда президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Бугунги қунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асрар масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди”.

Учинчидан, жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий соҳаларида юз бераётган турли мазмундаги экстремистик кайфиятдаги кучларга нисбатан “жаҳолатга қарши маърифат” тамойили асосида курашишни амалиётда кенг қўллаш, унинг ижросини таъминлаш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни замон талаб қилмоқда. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларга тўҳталар экан Президентимиз Ш.М.Мирзиёев шундай таъкидлайди: “Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаёган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундейди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш – бу Ўзбекистон ҳалқига мутлақо тўғри келмайди”. Ёшларни бундай тусдаги турли мафкуравий кучлар таъсиридан ҳимоялашнинг турли хил усул ва воситалари кенг таҳлил этилди. Лекин эришилаётган самарани кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мазкур анжумандаги нутқидаги бу тизимни янада такомиллаштиришнинг янгича йўл-йўриқларини илгари сурди. Аввало бу тизимнинг институционал қурилмаси фаолиятини такомиллаштиришга, ёшлар тарбиясида оила, маҳалла, мактаб, диний идоралар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб ўтди.

Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни турли мағкуравий таҳдидлардан асрарда ҳар бир институтнинг имкониятларини тўғри баҳолаш, ундан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, жамиятдаги маънавий муҳитни издан чиқаришга қаратилган турли мазмундаги таъсирларга қарши аксилтарғибот тадбирларини олиб боришининг янгича, таъсирчан услублари устида ишлаш талаб этилмоқда. Аввало жамият маънавий ҳаётининг ҳар қандай жабҳасида бўладиган содир бўладиган нохуш ҳодисага нисбатан умумжамият миқёсидаги салбий кемтик сифатида қараш талаб этилади. Унга қарши курашни умумники сифатида баҳолаш зарур. Бундай ҳодиса жамиятда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни сифат жихатидан такомиллаштиришни талаб этади. Бинобарин “Бир боланинг йўлдан адашиши – бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган қулфат. Бундан аввало шу боланинг ота-онаси, ака-укалари, яқинлари жабр кўради. Бундай пайтда уларга ёрдам бериш керак. Биз эса, афсуски, улардан ўзимизни олиб қочамиз. Тўйга чақирмаймиз, маросимга чақирмаймиз, у фалончининг акаси ёки ўғли, деб уларнинг нафратини баттар авж олдирамиз, айбсиз одамларни ашаддий душман қиласиз”. Муаммога бундай янгича усулда ёндашувнинг сабаби нимада? Агар биз жамиятда ўзига шерик, сафдош излаётган қатор диний-экстремистик руҳдаги тажовузкор гуруҳлар тарғибот усулларига эътибор қаратадиган бўлсак улар асосан моддий жихатдан қийналган аҳоли қатламларига, ишсиз юрган ёшларга, турли жиноятлари учун қамалганларнинг оила аъзоларига кенг эътибор қаратишади. Шундай экан бундай ҳаракатларни амалга оширган, турли сабаблар билан нотўғри йўлга кириб адашганларга, нафақат уларга балки уларнинг яқин оила аъзоларига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Анжумандаги нутқида Президентимиз бу масалани кўндаланг қўядиган вақт келганига эътибор қаратиб маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Олижаноб кишилар узрни қабул қилур”, деган фикрларини келтириб ўтган. “Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплашишимиз лозим. Чин дилдан тавба қилиб, ота-онаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишни ният қилган одамларга амалий ёрдам беришга мен давлат раҳбари сифатида доимо тайёрман”. Унинг амалий натижаси сифатида ҳозирги кунда қанча адашганларнинг гуноҳи кечирилиб, тўғри йўлга солинди. Уларнинг бир қисми ўқишига, бир қисми ишга жойлаштирилди.

4. Оила-маҳалла-таълим-нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлаш борасидаги устувор йўналишлари

Шунингдек Ш.М.Мирзиёев 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётганлигига жамоатчилик эътиборини қаратди. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этиши, шунинг учун ҳам биринчи навбатда, оила, таълим, маҳалла, нодавлат ташкилотлари ўз фаолиятларида ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш вазифаларига алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади.

Аввало улар ўз фаолиятларини тегишли вазифалар атрофида мувофиқлаштириб олишлари талаб этилади. Негаки ёшларимизнинг кундалик фаолиятлари айнан шу маскан ва ҳудудларда кечади. Шунинг учун мактаб, лицей ва коллежлардаги, олий ўқув юртларидағи таълим-тарбия, биринчи навбатда, давомат масаласига ниҳоятда жиддий эътибор бериш талаб этилади. Биронта ўқувчи ёки талаба сабабсиз ўқишига келмаса таълим маскани ҳам, оила ҳам, маҳалла, ҳокимият идоралари ҳам бу тўғрида бош қотириши лозим. Ана шундай назорат тизими самарали ва ўзаро боғлиқликда ишлайдиган бўлсагина вазиятни қўлга олиб, уни ижобий томонга ўзгартиришга имкон яратилади. Малакатимизда амалга оширилаётган ёшлар оид давлат сиёсатини таъминлашнинг устувор жиҳатларидан бири сифатида туманларда ҳокимлар ҳамда ички ишлар бўлими бошлиқларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозими ташкил этилди.

Албатта бу масалаларининг ечими хусусида “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, “Ёшдар иттифоқи” ҳаракати, ички ишлар идоралари ва бошқа тегишли ташкилотлар бевосита жавобгар бўлиб, иш самарадорлигини тубдан оширишлари, мутлақо янги тизимга ўтишлари, ўз фаолиятларини мувофиқлаштириб боришлари зарур.

Бу борадаги энг муҳим вазифалар ҳақида гапирганда Ш.Мирзиёев қўйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтишни таъкидлайди.

Биринчидан, йўлдан адашган, жойларда маҳсус ҳисобга олинган фуқароларнинг турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, муаммоларини ўрганиш, ушбу тоифа шахслар нега радикаллашиб кетганининг турли ижтимоий сабабларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш лозим.

Бу гуруҳдаги ёшлар қандай босим остида қолишганлиги сабаблари, таҳлиллари, олинган натижалар бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида қўллаш учун аниқ тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишин муҳим

аҳамият касб этади. Агар биз шу йўналишдаги профилактик ишларни замон талабларидан келиб чиқиб доимий равишда такомиллаштириб бориш тақозо этилади.

Иккинчидан, турли мазмундаги ғоявий таҳдидларга қарши курашнинг мутлақо янги тизимини шакллантириш хусусида гап борар экан унинг ижросини таъминлаш учун маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли ходимлари учун малака ошириш ўқувларини ташкил этиш керак. Бу ўқув курсларида уларни диний экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг иш усули, ғаразли ғоя ва мақсадлари, кураш, тарғибот воситалари билан таништириб бориш зарур. Адашган шахслар билан ишлайдиган мутахассис, у маҳалла маслаҳатчиси, имом-хатиб ёки профилактика инспектори бўладими, аввало бузғунчи қучлар қандай ғояларни илгари суроётганини билиши керак. Шунингдек санаб ўтилган масканлар, ташкилотлар фаолиятини муvrфиқлаштириш масаласини ҳам ҳал этиш лозим бўлади.

Учинчидан, ҳокимларнинг ёшлар билан ишлашбўлимлари ходимлари, жамоатчилик ва диний ташкилотлар, шунингдек, хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари турли сохта ваъдалар, ҳавойи гаплар ортидан эргашган фуқароларимиз билан сухбат ўтказишлари, ташвиш ва муаммолари билан шу-улланишлари лозим. Уларни ишга жойлаштириш, касбга йўналтириш кечикитириб бўлмас вазифадир. Акс ҳолда уларнинг бекор қолишлари, назоратсиз қолишлари, ўз ҳолига ташлаб қўйилиши четда пайт пойлаб турган қабих қучларга қўл келиши ҳеч гапмас. Анжумандаги нутқида Президентимиз таъкидлаганидек “Бугунги кунда диний экстремистик оқим аъзоларининг фарзандларини жамоат ишларига, дунёвий турмуш тарзига, хусусан, фан ва касб-хунар тўгараклари, санъат фестиваллари, спорт мусобақаларига жалб қилишга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Буни албатта қониқарли деб бўлмайди”.

Тўтинчидан, Мафкуравий иммунитет ва ғоявий қурашчанлик – ҳар бир озод шахс ва эркин фуқаро учун зарурлигини таълим-тарбия жараёнида доимо ёдда тутиш талаб этилади. “Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган мухитдан олмаса ёки бу мухит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у астасекин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак”. Негаки бугунги замонда инсон маълум қучларнинг манфаатларига хизмат қиласиган турли

маъно-мазмундаги мағкуравий кучларнинг доимий таъсирини сезиб яшайди. Ахборот асри, салоҳият асри, электроника, информацион технологиялар асри деб ном олган бугунги замонда бундай таъсирлардан ҳоли бўлиш долзарб муаммодир. Қолаверса, фикрни, ғояни таъқиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Шундай шароитда ҳар бир ёш ўз мустақил фикрига, сабит эътиқодига, мустақил тафаккур ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса турли зарарли мағкураларнинг охир-оқибатини англаб этиши қийин кечади. Ғоявий таҳдидлар кучайган ҳозирги шароитда турли мазмундаги таҳдидларга, ахборот ҳавфизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мағкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим.

Тўртинчидан, ёшларнинг турли ёвуз кучлар исканжасига тушиб қолиш ҳолатлари юз берганида мазкур ҳолат учун жойлардаги маҳалла раиси, маслаҳатчилар, маънавий-маърифий уюшмалар, участка инспектори ва имом-хатибининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш талаб этилади. Қолаверса ҳар бир уюшманинг йиллик фаолияти баҳоланганида, рейтинги аниқланганида ушбу ҳолатлар инобатга олиниши зарур.

Куни кеча Имом Бухорий бобомиз ёдгорлик мажмуасида бўлганимда бу масаланинг нақадар муҳим ва долзарб эканини айниқса чуқур ҳис этдим. Айни вақтда Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ва имом-хатибларга қулайликлар яратиш учун қуидаги масалаларни кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тизимидағи масжид ва таълим муассасаларининг нотижорат ташкилот сифатида фаолият юритишини инобатга олиб, улар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўловнинг миқдорини қайта кўриб чиқиши зарур.

Иккинчидан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий мажмуаси қошида фаолият кўрсатаётган имом-хатиблар малакасини ошириш ўқув марказининг фаолиятини кучайтириш, унинг илмий салоҳиятини, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, мамлакатимизда маърифий йўналишдаги нашрларга берилган имтиёзларни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетаси ҳамда диний-маърифий нашрлар учун ҳам жорий этиб,

уларга ҳам солиқ ва мажбурий ижтимоий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар бериш адолатдан бўлади, деб ўйлайман.

Тўртингидан, “Ўзбекистон” телеканали орқали бериладиган “Хидоят сари” маърифий дастури ва “Зиё” студияси кўрсатувларини, ўйлайманки, юртимизда кўпчилик катта қизиқиш билан томоша қиласди. Ана шу қўрсатувлар ижодкорларининг самарали меҳнатини инобатга олиб, уларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Таянч сўз ва тушунчалар: глобаллашув, оммавий ахборот воситалари, шахс, таълим, тарбия, маънавият, маърифат, мафкуравий иммунитет, мафкуравий бўшлиқ, диний бағрикенглик.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. Ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш борасидаги устувор вазифалари нималардан иборат?
2. Ислом минтаقا маданияти ривожида буюк алломаларимиз меросини нималарда кўришимиз мумкин?
3. Турли ғоявий таҳдидларга қарши курашда таълим тизими олдидаги вазифалари.
4. Қайси устивор йўналишлар оила-маҳалла-таълим-нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлаш борасидаги масалаларга қаратилган?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: –Ўзбекистон‖, 2013.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қ. Назаров таҳририостида. -Т.: Маънавият, 2009.
3. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиши. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар.// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил
4. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердиқулова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

Хориж манбалари:

1. Solderblom N. Das Wetter des Gottesglaube. Berlin, S. 162.
2. Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy -Schmidt Number: S- 3277.On-line since: 24th January, 1995.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Амалий машғулотларни ўтказиш бўйича умумий йўриқнома

Амалий машғулотларда тингловчилар тарих таълимининг турли норматив-хуқуқий ҳужжатлари, тарих ўқитувчисининг фаолият функциялари: (*гностик, лойиҳалаш, конструкциялаш, диагностик, прогностик, коммуникатив, ишлаб чиқарши-технологик, ташкилотчилик*) ва тарих таълими соҳасидаги инновациялар билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўкув ва илмий ва хорижий адабиётлардан, электрон ресурслардан, интернет материалларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд муаммолар ва ечимлар.

Ишнинг мақсади: Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимишинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги. Маънавий-маърифий ишлар тизими. Компетенцияларга асосланган таълим ёндашуви. Ривожланган хорижий мамлакатларда тарғибот ишларининг институционал тизими, унинг ижобий жиҳатларидан таълим жараёнида фойдаланиш. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитиша инновациялардан фойдаланиш борасидаги мавжуд масалалар.

1-илова

Қўйидаги тушунчаларни шарҳлаб беринг:

- Миллий ғоя концепцияси....
- Миллий ғоя тарғиботи институционал тизими
- Ғоявий бўшлиқ
- Миллий маънавий мерос
- Фанлараро ёндашув

- Тарихий хотира

2-илова

Мунозара учун саволлар:

1. Миллий ғоянинг мазмун моҳиятини, жамият тараққиётида тутган ўрни ва ролини қандай баҳолайсиз?
2. Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти нималардан иборат?
3. Миллий ғоя концепциясининг мазхмун моҳиятини ёритинг?
4. Дунёнинг мағкуравий манзарасига баҳо беринг
5. Маънавий-маърифий ашлар самарадорлигини оширишга қаратилган Президент қарорларидағи устувор вазифалар?
6. Олий таълим тизимида миллий ғоя туркумидаги фанларни модернизациялаш масалалари ҳақида фикрингизни баён этинг.

3-илова

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболлариiga бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳарақатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

8. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: –Ўзбекистон‖, 2013.

9. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қ. Назаров таҳриростида. -Т.: Маънавият, 2009.

10. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиши. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил

11. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердикулова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК УСЛУБЛАР

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларининг шаклланиши, мазкур соҳалар бўйича олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш ва улардан фойдаланиш. Миллий ғоя, халқимизнинг миллий урф-олатлари, анъана ва қадриятлари, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий меросини асраш, манба хусусиятларини билиш ва улардан фойдаланиш. Миллий ғоя тарғиботида замонавий технологик услублардан фойдаланиш шарт-шароитлари ва омиллари.

1-илова

Блиц-сўров: “Миллий ғоя тарғиботи технологияларида замонавий технологик услублар”

Якка баҳо	Якка хато	Гурух баҳоси	Гурух хатоси	Тўғри жавоб	Тушунчалар	Тушунчалар мазмуни
					замонавий технологик усуллар	
					янги технологик услуб соҳалари	
					мехнат тарбияси	
					сиёсий тарбия	
					ахлоқий тарбия	
					ноанъанавий усуллар	
					янги технологиялардан фойдаланиш усуллари	

2-илова**Мунозара учун саволлар:**

1. Замонавий технологик услубларни “Кластер” усулидан фойдаланиб таҳрир қилинг.
2. Миллий ғоя тарғиботида анъанавий ва замонавий технологиялардан фойдаланишни гуруҳларга бўлинниб афзал ва чекланган томонларини кўрсатинг.
3. Ёт ва заарли ғоялар таъсирига тушган айрим ёшларни миллий ғоя тарғибот технологияларидан фойдалангандан ҳолда уларнинг миллий ғояга ишонч ва эътиқодини ошириш йўлларини асосланг.
4. Замонавий технологик услублар йўналишлари
5. Миллий ғоя тарғиботида анъанавий ва замонавий технологиялардан фойдаланишни гуруҳларга бўлинниб афзал ва чекланган томонларини кўрсатинг.

3-илова**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳарақатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

8. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: –Ўзбекистон‖, 2013.
9. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. К. Назаров таҳриростида. -Т.: Маънавият, 2009.
10. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиш. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил
11. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердикулова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлигига эришиш йўллари.

Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлиги тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи. Миллий ғоя тарғиботи самарадорлиги мезонлари ва тамойиллари. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигига эришиш йўллари ва омиллари. Жамият ҳаётида соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш. Ёшларда миллий ғояга ишончни - мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Миллатнинг, халқнинг жамиятда қабул қилинган маънавий-аҳлоқий нормалари, маданий ривожланиш тамойилларини янада ривожлантириш.

1-илова

Амалий машғулот топшириқлари

1. Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигига эришиш йўллари ва омиллари
3. Ёшларда миллий ғояга ишончни - мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари
4. Маънавий-аҳлоқий нормалари ҳақидаги масалалари
5. Миллий ғояни тарғиб қилишнинг илмий-назарий қарашлари

2-илова

Б./ Б. /Б методи

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
----------	---------------------	----------------	--------------------------	---------------

1	2	3	4	5
1.	Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлининг ўзига хос хусусиятлари			
2.	Миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигига эришиш йўллари ва омиллари			
3.	Ёшларда миллий ғояга ишончни - мафкуравийиммунитетни шакллантириш масалалари			
4.	Маънавий-аҳлоқий нормалари ҳақидаги масалалари			
5.	Миллий ғояни тарғиб қилишининг илмий-назарий қарашлари			

З-илова

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

8. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: —Ўзбекистон‖, 2013.

9. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. К. Назаров таҳририостида. -Т.: Маънавият, 2009.

10. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиши. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар.// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил

11. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердикулова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалари”.

Ишнинг мақсади: Миллий ғоя тарғиботи ва жамоа билан алоқаларнинг ўзаро муносабати. Миллий ғоя тарғиботида жамоа билан алоқаларнинг демократик асослари. Жамоа билан алоқаларда жаҳон тажрибаси ва тарғиботда миллий хусусиятларни ҳисобга олишининг аҳамияти. Жамоани ижтимоий ҳаётда эришган ютуқлари ёки муаммолари. Жамоа билан алоқалар технологиялари

1-илова

«Тушунчалар таҳлили» услубидаги тарқатма метериаллар.

Тушунчалар	Мазмуни
самарадорлик	
фоявий тарғибот технологиялари самарадорлиги	
самарадорлик мезонлари	
технологиялар самарадорлигини оширишнинг концептуал асослари, мафкура тарғиботи	
мафкуравий тарғибот муаммолари	
миллий ғояга ишонч	

мафкуравий эътиқод	
ақидапарастлик	
мафкура тарғиботи омиллари	

2-илова**Назорат саволлари:**

1. «Жамоатчилик билан алоқалар» тушунчасини “SWOT - таҳлил” этинг.
2. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини ахборот коммуникацион тизимдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда “Кластер” усулида тақосланг.
3. Сайлов жараёнида «Жамоатчилик билан алоқалар» қўринишлари ва унинг йўналишларини “Дебат” усулида таҳлил этинг.

3-илова**Адабиётлар:**

- a. Каримов И.А. Юксак маънвият – енгилмас куч. Т.: “Маънвият”, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.
8. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: –Ўзбекистон, 2013.

9. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. К. Назаров таҳририостида. -Т.: Маънавият, 2009.
10. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитишиш. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар.// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил
11. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердиқурова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: Маънавий-маърифий тарбияни олиб боришда оила, маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик масалалари

Ишнинг мақсади: Маънавий-маърифий тарбияни олиб боришда оила, маҳалланинг ўрни. Таълим тарбия жараёнида оила, маҳалла, таълим муассасаларининг аҳамияти. Маънавий-маърифий тарбияни олиб боришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик масалалари.

1-илова

Қуйидаги тушунчаларни шархлаб беринг:

1. Глобаллашув
2. Оммавий ахборот воситалари
3. Шахс
4. Таълим
5. Тарбия
6. Маънавият
7. Маърифат
8. Мафкуравий иммунитет
9. Мафкуравий бўшлиқ
10. Диний бағрикенглик

2-илова

Мунозара учун саволлар:

1. Ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш борасидаги устувор вазифалари нималардан иборат?
2. Ислом минтақа маданияти ривожида буюк алломаларимиз меросини нималарда кўришимиз мумкин?
3. Турли ғоявий таҳдидларга қарши курашда таълим тизими

олдидағи вазифалари.

4. Қайси устивор йўналишлар оила-маҳалла-тълим-нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлаш борасидаги масалаларга қаратилган?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.
8. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: –Ўзбекистон‖, 2013.
9. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қ. Назаров таҳриостида. -Т.: Маънавият, 2009.
10. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиши. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар.// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил
11. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердикулова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

6-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: Маънавий-маърифий ишларда илгор замонавий технологияларни қўллаш.

Ишнинг мақсади: Маънавий-маърифий ишларда илгор замонавий технологияларнинг аҳамияти. Таълим самараси юқорироқ бўлишига сабаб бўлувчи методлар ва воситалар. Ноанъанавий таълим усуллари.

1-илова

Қуйидагиларни шархлаб беринг:

- Маънавий-маърифий ишларда замонавий технологияларнинг аҳамияти
- Инновацион методлар
- Анъанавий таълим усуллари
- Ноанъанавий таълим усуллари....
- Ноанъанавий ва анъанавий таълим воситалари....

2-илова

«Тушунчалар таҳлили» услубидаги тарқатма метериаллар.

Тушунчалар	Мазмуни
Анъанавий таълим	
Ноанъанавий таълим	
Инновация	
Миллий ўзликни англаш	
Мустамлака бошқаруви	
Миллий озодлик ҳаракатлари	
интеллектуал-маданий мерос	

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017

йил истиқболларига бағишлиган мажлисидағи Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

8. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавсизликлик. –Т.: —Ўзбекистон‖, 2013.

9. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қ. Назаров таҳририостида. -Т.: Маънавият, 2009.

10. Мухторов А., Султонов Т., Мустафакулов Ш.И., асосида ўқитиши. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар.// —Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар‖ илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил

11. И.Эргашев, О.Мухаммадиэва, С.Бердикулова, М.Сафаров., Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 й.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс-стади” методини амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблиқ иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиши	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим ўйларини ишлаб чиқиши; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

МЕТОД БОСҚИЧЛАРИ



1-кейс. Тарих фанида ҳажм, узунлик ва оғирлик ўлчов бирликларини тақослашда кейс стади технологиясидан фойдаланишнинг моҳияти нимада?

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Ҳажм, узунлик ва оғирлик ўлчов бирликларини тақослашда кейс стади технологиясидан фойдаланишнинг фарқи нимада?	<p>Тақослашда ўқувчи битта йўналишда ечимини топади.</p> <p>Кейс стади технологияси бир нечта ечим йўллари аниқланиб оптимал ечим танланади.</p>	Кейс стади технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2-кейс. Тарих фани дарсларида анъанавий ва ноананавий таълим технологиялари афзаллик ёки камчиликлари. Сиз фикрингиз?

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Таълим сифат ва самарадорлигини оширишда ананавий ва ноананавий таълим технологиялари афзаллик ёки камчиликлари	Анъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган	Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида ўқувчи

	<p>ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуудан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир.</p> <p>Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида ўқувчи шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмууни таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.</p>	<p>шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмууни таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.</p>
--	--	--

3-кейс топшириғи: Новация ва инновация ўртасидаги фарқларни топинг.

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация

Ўқитувчининг жавоби:

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
<p>1) амалдаги назария доирасида қўлланилади;</p> <p>2) қўлам ва вакт бўйича чегараланади;</p> <p>3) методлар янгиланади;</p> <p>4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради</p>	<p>1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади;</p> <p>2) амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди;</p> <p>3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади;</p> <p>4) янги технологиялар яратилади;</p> <p>5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади;</p> <p>6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади</p>

4-кейс. Дарс жараёningизда фанингизга таалуқли бўлган 3D анимация ёки симулятордан фойдаланмоқчисиз, лекин уни яратишни билмайсиз. Нима қилган бўлар эдингиз?

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Дарс жараёningизда фанингизга таалуқли бўлган 3D анимация ёки симулятордан фойдаланмоқчисиз, лекин уни яратишни билмайсиз. Нима қилган бўлар эдингиз?	<ol style="list-style-type: none"> 1. Браўзерни ишга туширинг. 2. Қидирув тизимларидан бирор-бирининг URL манзили(www.google.uz)ни браўзернинг манзил сатрига ёзинг 3. Қидирув тизимиға ишга тушгандан сўнг қидирув сўзи майдонига 3D анимациялар деб ёзиб анимацияларни юклаб олинг. 4. Қидирув сўзи майдонига Simulations деб ёзиб симулятор дастурларни юклаб олинг. 	Интернет тармоғидаги виртуал таълим технологиялари билан ишлаш ўrnанилади

5-кейс. Тарих фанида анъанавий таълим методи ҳамда инновоцион таълим методларидан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Ананвий таълим методи ҳамда инновоцион таълим методларидан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари	<p>Анъанавий таълим афзалликлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Аниқ, маълум тушунчаларни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш 2. Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш 	<p>Иновацион таълим методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларнинг машғулотлардаги фаоллашуви ва бундан келиб чиқиб билим олиш

	<p>муҳитини юқори даражада назорат қилиш</p> <p>3. Вақтдан унумли фойдаланиш</p> <p>4. Аниқ илмий билимларга таяниш</p> <p>Камчиликлари:</p> <p>1. Ўқувчиларнинг машғулотлардаги пассивлиги ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг пастлиги</p> <p>2. Дарснинг бир хил қолипдалиги, бир хиллиги</p> <p>3. Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмайди</p> <p>4. Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди</p> <p>5. Эслаб қолиш даражаси ҳаммада teng бўлмаганлиги сабабли гурӯҳда ўзлаштириш паст бўлиши мумкин</p> <p>6. Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланиши сусаяди</p> <p>7. Тассавурларни ўзгармасдан қолиши</p> <p>Инновацион таълим методи афзалликлари:</p> <p>1. Ўқитиш мазмуни яхши ўзлаштиришга олиб келади</p> <p>2. Ўқувчиларнинг машғулотлардаги фаоллашуви ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг ошиши</p>	<p>самарасининг ошиши</p> <p>2. Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириши, ҳамкорлик юзага келиши;</p> <p>3. Ўқитувчининг назорати барча ўқувчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтириши</p> <p>4. Ўқитувчи ва ўқувчи вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиши</p> <p>5. Барча олий ўқув юртлар адабиётлар билан таъминланади ва улар асосида билим олиш имконияти яратилади</p> <p>6. Компьютер ёрдамида дарс жараёни давомида назарияни амалиётга боғлаб олиб боришига шароит яратилиши;</p> <p>7. Янги мавзунинг кенг хажмда ўрганилиши ва ўзлаштириш самарадорлигининг ошиши</p> <p>8. Ахборотнинг тез-тез янгиланиб туриши</p> <p>9. Ўқувчиларнинг билим даражаларини ҳар томонлама ва мажмуали текшириб кўриши имкони мавжудлиги</p> <p>10. Ўқувчиларнинг фаоллиги ошиб,</p>
--	--	---

	<p>3. Ўқитувчининг назорати барча ўқувчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтиради</p> <p>4. Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга киришади</p> <p>5. Ўқув жараёнида-ўқувчининг ўз-ўзини баҳо бериш, танқидий қарashi ривожланади</p> <p>6. Гурухларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади</p> <p>7. Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланишига ёрдам беради</p> <p>8. Ўзаро ахборот бериш, олиш, қайта ишлаш орқали ўқув материали яхши эсда қолади</p> <p>9. Ўқувчи учун дарс қизиқарли ўқитилаётган предмет мазмунига айланади, ўқиш жараёнига ижодий ёндашув, ижобий фикр намоён бўлади.</p> <p>Камчиликлари:</p> <p>1. Кўп вақт сарфланиши</p> <p>2. Ўқувчиларни доимо ҳам кераклича назорат килиш имконияти паст бўлади</p> <p>3. Мураккаб мазмундаги материаллар ўрганилганда ҳам ўқитувчининг роли паст бўлиб қолади</p>	<p>геометрия курсига, илмга бўлган эътибори ва қизиқишининг кучайиши</p> <p>11. Амалий иш топшириқлариини илмий-амалий текшириб кўриши ва вазифани бажаришга ижодий ёндашиши</p> <p>12. Ўқувчининг ўзини қизиктирган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиши, илмий изланиши ва ижодий ёндашиши.</p> <p>13. Гурухларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмасининг шаклланиши</p> <p>14. Билими паст ўқувчиларнинг билимдон ўқувчиларга эргашиши</p> <p>15. Ўқитувчининг ўзининг ҳам фикрлаш қобилиятига ва муаммоларни ечиш кўникмаларига, вазиятни тезда баҳолай олиш, ҳозиржавоб бўлиш кўникмаларига эга бўлишни талаб этиши</p> <p>16. Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланишига ёрдам бериши</p>
--	--	--

6-кейс. Ҳар қандай педагогик фаолиятнинг самарадорлиги унинг натижаси ёки натижалари билан ўлчанади. Шахс фаолияти, билими, кўникма ва малакаларини баҳолашда муайян мезонларга таяниб иш кўрилади. Мезонларнинг ишлаб чиқилиши фаолият, билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг объектив, холис баҳоланишини таъминлайди.

Кейс топшириғи. Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

Ўқитувчининг ечими: Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонлари

Холат	Мезонлар
Педагогнинг инновацион фаолияти	<ol style="list-style-type: none">Янгиликлардан изчил хабардор бўлиш.Ўз фани бўйича янгиликларни яратиш хоҳишига эгалик.Ўзлаштирган ёки ўзи асосланган янгиликларни амалиётга тадбиқ этишда қатъиятлилик кўрсатиш.Ўз фаолиятида инновацияларни фаол қўллаш

7-кейс. Таълим инновацияларидан самарали фойдаланишда педагогларнинг касбий маҳорати, компетентлиги, иқтидори ва иш тажрибаси алоҳида аҳамият касб этади. Педагог қанчалик даражада касбий маҳорат, компетентлик, иқтидор ва иш тажрибасига эга бўлса, у таълим инновацияларини ўз фаолиятида шунчалик фаол қўллайди ва самарали натижаларга эришади.

Кейс топшириғи. Педагогларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

Ўқитувчининг ечими: Педагогларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш мезонлари

Холат	Мезонлар
Педагогнинг инновацион салоҳияти	<ol style="list-style-type: none">Янгича фикрлаш қобилиятига эгалиги.Ўзини турли, айниқса, янгиликлар билан боғлиқ вазиятларда синаб кўришга интилиши.Ижодий фаоллик кўрсата олиши.Изчил равишда инновацион ғояларни илгари суриш маҳоратига эгалиги

VI. ГЛОССАРИЙ

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари - ташкилот, корхона, давлат муассасалари ҳақида кишиларда ижобий тассаввур туғдириш, уларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида жамоатчилик фикрини шакллантириш.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларини қўллаш вазифалари - давлат фаолияти тўғрисида фуқароларга ахборот етказиш; сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирокларини таъминлаш; фуқаролар томонидан сиёсатчилар ва давлат дастурларини қўллаб-қувватланишига эришиш; давлат тузилмаларининг ижобий имижини яратиш.

Қатъий белгиланган технологиялар – қўлланиладиган услуб ва воситалар қатъий белгиланган ҳамда асосий қўрсаткичлар ўзгармас ҳисобланадиган технологиялар.

Ахборот технологиялари – ахборот яратиш, уни қайд қилиш, қайта ишлаш ва тарқатиш усуллари бўлиб, ахборот ресурсларидан фойдаланиш жараёнининг мураккаблиги даражасини камайтиришга хизмат қиласи.

Бадиий ғоялар эса жамиятда мавжуд адабий, бадиий асарлар, театр ва санъат асарларини ўрганиш, уларнинг мазмун ва моҳиятини чақиш орқали шаклланиб, инсон ва жамиятнинг тараққиётини янги босқичга кўтаришга, уларнинг маданияти, маънавияти ва маърифати даражаларини ўстиришга инсон руҳиятини янада мукаммал қилишга хизмат этувчи ғоялардир.

Бунёдкорлик ва яратувчилик ғоялари инсониятни эзгулик, яхшилик сари чорлаб, юртни, Ватанни озод ва обод қилиш, жамият халқининг тўқ ва тўкин турмушини таъминлаш, инсониятни ижтимоий тараққиётининг паст поғонасидан юқорисига кўтарилишини, кишиларда ташаббус, яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига йўлловчи ғоядир.

Вайронкорлик ва тажовузкорлик ғоялари инсониятни карамлик, қулликда сақлаш, халқларни бир-бирига қарши қўйиб, улар орасида миллатчилик кайфиятларини шакллантириб, биродаркуш урушлар уюшириб, икки томондан ҳам ўз манфаатларини топишга интилевчи, шунингдек қачон ва қайерда булса-да, уруш ва миллий можаролар бўлиб туришидан манфаатдорликни ёқловчи ғоядир. Албатта, бу жараёнда омманинг ҳам катта ва белгиловчи ўрни бор. Агар тарих ўз табиий оқими ривожига қўйилса, омма ўзини ҳар қандай яхши ёки муваффақиятли тараққиётга йўлловчи саркорни етиштириб беради.

Ғоя – Инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган, кучли теран фикр. Инсон

онгининг маҳсули сифатида ғоялар тушунча ва фикрлар ёрдамида ифода этилади. Ғоялар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто ғайришуурый қатламларга сингиб боради. Фақат юксак жозиба кучига эга бўлган, ҳақиқатга яқин ғояларгина жамиятда кенг тарқалади.

Ғоявий бўшлиқ - муайян шароитда жамият, ундаги тоифа аа қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум қолати. Муайян аҳидалар, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафкура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятда F.б. вужудга келади. F.б.нинг юзага келиши чуқур ижтимоий–сиёсий, маънавий-психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади.

Ғоявий зиддият - турли манфаат, мақсад ва интилишларни ифодаловчи ғоялар ва уларга таянадиган куч-ҳаракатлар ўргасидаги қарама-қарши муносабатни ифодаловчи тушунча. Бундай зиддиятнинг замирида талаб-эҳтиёжлар, мақсад-муддаолар, уларни қондириш усуллари, йўллари ва воситаларининг ҳар хиллиги ётади. Озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари б-н босқинчилик, тажовузкорлик ва мустабидлик ғоялари ўргасидаги кураш бунинг ёрқин мисолидир. Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг қарама-қаршиси бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади.

Ғоявий қарамалик – миллат, жамиятнинг ўз манфаатлари ва мақсад ларига мос келмайдиган, унга зид бўлган ғоявий оҳимларга боғлиқлиги, ёт ва бегона ғояларга бўйсинишини характерловчи ҳолат. F.қ. ғоясизлик, ғоявий бўшлиқ ёхуд парокандалик оқибатида келиб чиқади. Унинг юзага келишига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсирлар ҳам сабаб бўлади. Тарихда F.қ. асоратга тушган, мустамлакага айлантирилган ҳалқларни ўз маданияти, тили ва динидан узоқлашишга, уларни унутишга олиб келган. Вақт ўтиши б-н шу ҳалқнинг илғор вакиллари, фидойи фарзандлари, ҳатто ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да, озодлик ва мустақиллик учун курашган, қарамаликнинг ҳар қандай уринишига қарши оммани қўзғатган.

Ғоявий- мафкуравий қараш- (ғоя-ар. Ижтимоий фикр+ мафкура-ар. фикрлар мажмуи)- муайян ижтимоий грух, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари орзу-истак ва мақсад-муддаоларини ифодаловчи ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлар ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади. Инсоният тарихида хилма-хил F. м. қ.лар бўлган.

Ғоявий мутаассиблик - тўғри деб ҳисобланган муайян фикр, ғоя, ақида ва шу йўлдан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлғон деб билишга, кўр-кўёна инкор этишга асосланган қарашлар ва амалиёт. F.m. турли йўналиш ва эътиқоддаги кишиларга хос бўлса-да, улардаги умумийлик ўзга ғоя ва эътиқодни ёлғон ҳисоблашга, ўз қарашларини мутлақлаштиришга, унга қўшилмайдиганларга қарши фаолият олиб боришга, уларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларда яққол кўринади. Ўрта асрлардаги инквизитсия, баъзи Fарб мамлакатларидаги неофашизм ғоялари тарафдорлари ҳаракатлари F.m.ка мисол бўла олади.

Ғоявий парокандалик - жамият, халқ, ижтимоий қатламларнинг ўз мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олмагани, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифода этадиган мафкура яратмагани сабабли ижтимоий онгда ва маънавий ҳаётда юзага келадиган ғоявий бошбошдоқлик, бекарорлик. F.p. одатда муайян сиёсий тизим ўз ҳаётини тугатган, бир тузумдан бошқасига ўтилаётган, ижтимоий сиёсий қутблашув ва зиддиятлар кучайган, жамият турли табақаларга бўлинниб, ҳар бир ижтимоий-сиёсий куч ўзининг тор манфаатлари доирасида ўралашиб қолган вазиятларда рўй беради. Бу ҳолат жамиятни янада тарқоқ қилишга, бир-бирига душман тарафларга ажратиб юборишга олиб келади. Мамлакатда ички зиддиятлар кучайган, қатлам, тоифа, миллий-этник бирликлар ўртасидаги қарама-қаршилик зўрайган ҳолларда ҳам ана шундай ҳол рўй беради.

Ғоявий саводсизлик – мафкуравий жиҳатдан етарли билим, малака, кўниумага эга бўлмаган инсонларга хос бўлган хусусият. F.c.нинг асосини мустақил фикрга, событ эътиқодга, мустаҳкам ирода ва дунёқарашга эга бўлмаслик ташкил этади. Бундай киши жамиятда ўз ўрнига, ўзининг аниқ ҳаётий позитсиясига эга бўлмайди. Натижада у турли заарли ғоялар, ёт, бегона мафкуралар таъсирига жуда осон тушиб қолади.

Ғоявий тажовуз — муайян бир жамият ёки миллат, ижтимоий қатлам ё гуруҳ онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсир, бегона ва ёт мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган ғоявий босқинчилик. Тарихда ғоявий тажовуз ҳарбий истило, сиёсий тазиик ва иқтисодий исканжа чоралари б-н боғлиқ ҳолда олиб борилган. Ундан босқинчиликни оқлаш, мустамлака ва қарам халқларни мафкуравий асоратда сақлаш мақсадида фойдаланилган. Ғоявий тажовузнинг муҳим хусусиятлари — ҳақиқатни сохталаштириш, тарихни одамлар хотирасидан ўчириш, умуминсоний қадриятларни қадрсизлашдан иборат. F.t. алдаш ва макр б-н уларни ўз ота-оналарига, жамиятга қарши қўйиш, хиёнат ва сотқинликни фидойилик деб кўрсатиш шаклида ҳам намоён бўлади.

Ғоявий турғунлик – муайян мафкура тизимидағи такомиллашиш ва янгиланиш жараёнининг тўхтаб, мафкуравий ақидаларнинг реал ҳаёт, амалиётдан узилиб қолиши. Маълумки, ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий қатлам, миллат, давлат, жамиятнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган тизимдир. Жамият тараққий этар экан, бу тизим ҳам такомиллашиб, янгиланиб бориши лозим.

Ғоялар бозори – ОАВ фикр ва консепсиялар алмашуви соҳаси сифатидаги рамзий номланиши, ахборий фаолиятни маркетизатсиялаш (бозорлаштириш) тарафкашлари ва қарши чиқувчиларининг турли талқинларига сабаб бўлган атама.

Ғояни ишлаб чиқиши – истеъмолчи учун муҳим бўлган товар ғоясини кенгайтирилган баёни. Масалан, футбол ишқибозлари асосий томошабинларини ташкил қилувчи “Гол” Россия теледастурида футбол бўйича жаҳон чемпионатига туристик сафарни ташкил этиш бўйича хизматлар реклами.

Ғоясизлик – бирор шахс ёки ижтимоий гурухнинг онги ва қалбида муайян мақсад сари етакловчи фикрнинг йўқлиги. Г. одатда ҳали ўзлигини англаб етмаган, ўз манфаат ва имкониятларини ифода эта олмайдиган, мақсад-муддаолари ва ҳаётий қадриятларини англаб етмаган кишилар ва тоифаларда учрайди. Ҳаётда юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган одам фақат табиий эҳтиёжлар доираси б-н чегараланиб қолади. Г.лик маънавияти тубан, имон-эътиқоди суст, мафкураси бузук кимсаларни юзага келтиради. Ўз ўтмиши ва насл-насабини билмаслик, тарихий хотирани унутиш ҳам Г.нинг бир кўринишидир. Бундай кимсалар ўз ота-онасига қўл кўтариши ҳам, ўз Ватанини сотиши ҳам мумкин.

Девиант технологиялар – ўз фаолият усуслариiga қўйилган ҳар қандай талаб ва андозалардан четга чиқадиган технологиялар, қонунга ва ахлоқий меёrlарга зид келадиган “қора” ва “кулранг” технологиялар.

Диний ва даҳрийлик ғоялари эса кишиларнинг ижтимоий ходиса сифатида юзага келган даврлардан бошлаб, шу кунгача сақланиб қолган қарашлар мажмуини, динга хурфиклилик руҳиятида ёндошишни ташкил этади. Шуни унутмаслик керакки, инсон тафаккури орқали мен билмаган нарса ва ходиса қолмади десагина унинг тафаккурида динга ўрин қолмайди.

Дунёнинг мафкуравий манзараси – жаҳонда рўй берадиган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятларни яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча. Бугунги дунё муайян яхлитликни ташкил этса-да, ундаги

минтақа ва давлатлар, миллатлар ва халқлар ўз ўрнига кўра турли мавқега эга. Ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама-қаршилар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Шундай экан, уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуллари бўлиши шубҳасиз. Жаҳон сиёсий харитасида қўплаб давлатлар мавжуд, бўлиб уларда турли сиёсий кучлар, партиялар, динлар, диний оқимлар, мазхаблар, гуруҳ ва қатламлар фаолият кўрсатмоқда.

Жамоат назорати – а) қабул қилинган қонунлар ва қонун хужжатлари ижроси; б) ҳокимият қарорлари қандай қабул қилиниши ва ижро этилиши; в) қонун ва бошқа қонун хужжатларининг тайёрланиш жараёни; г) давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолияти; д) давлатнинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан жамоатчлик вакиллари ва жамоат ташкилотларининг назорати.

Жамоатчилик фикри – ижтимоий онгнинг ўзига хос кўринишларидан бири бўлиб, кишиларнинг турмуш ҳодисалари, сиёсий ва ижодий ташкилотлар ва алоҳида бир шахсларнинг фаолияти ҳақида ижобий ёки салбий қарашлари мажмуи.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар эса миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий ва сиёсий соҳада қўлга киритган, шу пайтгача ҳаёт амалиётида ўзини оқлаган ижтимоий ва сиёсий қарашлар мажмуидир.

Илмий ғоялар – фан ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли олиб борилган кузатишлар, экспериментлар, таҳлиллар, инсон билими, тафаккури салоҳиятида яратилган, кашф этилган ғоялардир.

Инструментал технологиялар – юзаки қараганда фаолиятни мукаммаллаштиришга хизмат қилаётгандек кўринадиган, аслида эса мутлақо бошқа мақсадларни яшириш учун фойдаланиладиган технологиялар.

Истиқлол мафкураси — миллат ва давлатнинг мустақил ривожланашини таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими. У истийедот мафкураси ва амалиётига қарши, озадликка интилиш зарурати туфайли пайдо бўлади. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу идеалларини, олийжаноб мақсад – муддаоларини ўзида мужассам этади. Халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир. Бунинг учун барча бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳаётий манфаатларини юракдан ҳис этган ҳолда уларни рўёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилиши, курашиши зарур. Бу жараён халқимизнинг манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган миллий ғояни англаш б-н

боғлиқ ҳолда кечади. Ватан манфаати ҳар бир фуқаро манфаатлари б-н узвий боғланган. Зеро, Ватаннинг ободлиги халқнинг фаровонлигига боғлиқ.

Кўланкали технологиялар – сиёсий жараённи белгилаб берса-да, кам даражада технологиялаштирилган ва шу боисдан, кўпроқ фаолиятнинг тасодифий, ноёб, камдан-кам учрайдиган усул ва воситаларини қамраб оладиган технологиялар.

Қадриятлар – нарса ва воқеалар, жамият, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини аҳамиятини ифодалаш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятларни Ғарбда “Аксиология” фани ўрганади. Аксиологияни қадриятлар тўғрисидаги қадриятлар тўғрисидаги қан ёки тўғридан-тўғри “қадриятшунослик” деб аташ ҳам мумкин. Қадриятлар ахлоқий қоида ва меёrlар, идеаллар ва мақсадлардаги баҳолаш мезони ва усусларини ҳам ўзида акс эттиради. Улар ҳалоллик, поклик, ўзаро ёрдам,adolatлилик, ҳақиқатгўйлик, эзгулик, тинчлик, шахс эркинлиги, меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар, бурч, виждон, ор-номус, масъулият каби ахлоқий тушунчалар шаклида намоён бўлади. Қадрият ўз табиатига кўра, ижтимоий-тарихий характерга эга. Ижтимоий тараққиёт жараёнида у ўзгаради ва такомиллашади. Шунинг учун қадрият тўғрисидаги таълимотлар ҳам такомиллашиб, ривожланиб боради. Қадриятларнинг хилма-хил шакллари бор: моддий ва маънавий, миллий, минтақавий, умумбашарий; жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий; ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, хуқуқий ва бошқалар.

Континентал-худудий даражадаги технологиялар – алоҳида давлатлар ёки ҳалқаро ташкилотларнинг муайян ҳудуддаги (Йевропа, Яқин Шарқ каби) муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги сай-ҳаракатларини қамраб оладиган технологиялар.

Локал технологиялар – сиёсий жараённинг қайсиdir қисминигина самарали ташкил этишга йўналтирилган технологиялар.

Мафкура – арабчада фикрлар мажмуи, муайян ижтимоий гурух, қатlam, миллат, давлат, жамият манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади. Мафкуралар муайян диний-фалсафий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. Мафкуралар ўз моҳиятига ва таъсир кучига кўра жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши томонларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқенини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор қилиши мумкин. Масалан, собиқ

иттифоқ даврида мафкурага умуминсоний қараш шаклланмаган, бунга йўл кўйилмаган. Унга тўғри ва холисона баҳо бериш имконияти мустақиллик туфайли амалга ошди.

Мафкура эволюсияси — муайян мақсад ва манфаатларни ифода этувчи ғоявий-назарий қарашлар тизимнинг вужудга келиши, ривожланиши ва интиҳога етиши жараёнини ифодаловчи тушунча. Ҳар қандай мафкура жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг талаб-эҳтиёжлари ва мақсад-муддаоларини ифода этувчи янги ғоявий тизим сифатида вужудга келади. Мазкур миллат ёки ҳаракатнинг етакчи кучлари, сиёсий арбоблари, идеологлари ижтимоий онгдаги орзу-интилиш ва руҳиятдаги ҳис-туйғуларни бир тизимга соладиган таълимот ва дастурлар яратадилар. Ғоявий тарбия воситалари ва фаоллари орқали бу ғоялар онгга ва руҳиятга сингдирилади. Бу ғоялар кўпчилик онгини эгаллагач, уларни ҳаракатга келтириб, мақсад сари етаклайдиган кучга айланади. Мафкура, вақти келиб, ўз соҳиблари тарих майдонидан тушсалар ҳам, *мафкуравий мерос* сифатида янги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолиши мумкин. Бу нафақат эзгуликка хизмат қиласидиган, балки ўз моҳиятига кўра ғайриинсоний бўлган мафкура шаклларига ҳам тегишлидир.

Мафкуравий бекарорлик – кишилик жамиятига хос муайян хусусиятлардан бири; мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий бўлмагани, муқим бўлмагани каби маъноларни англатади. Бу тушунча гоҳида ижтимоий ҳаётда мафкураларнинг алмашиб туриши жараёнини изоҳлаш учун ҳам қўлланилади. Мафкуравий бекарорлик, асосан, муайян бир ҳудудда давлат тизими бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олганда, М.б.ни — муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий ўзгарувчан ҳолат деб ҳам аташ мумкин. Жамиятнинг янгиланиш босқичларида одатда эски тизим, эски турмуш тарзи билан биргаликда ўша тизим мафкураси ҳам юз тубан бўлади, бундай ҳол маълум даражада мафкуравий бўшлиқни юзага келтиради.

Мафкуравий бўшлиқ — жамият, давлат ва меҳнат жамоаларида вужудга келган вазият, ижтимоий муҳит тарбиявий-мафкуравий ишларнинг заифлашиб қолиши. Бундай шароитда фуқаролар онги ва фаолиятида турли миш-мишлар, сафсаталар устуворлик қила бошлайди. Кишилар хатти-ҳаракатини бўшанглик, лоқайдлик, бефарқлик эгаллаб олади. Руҳиятда ҳеч нарсага аралашмаслик кайфияти устун келади. Қайерда шундай ҳолат юз берса, ўша ерда М.б. хукмон бўлади.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви — ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча

минтақаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро муносабатларнинг интегратсиялашуви ва интенсивлашуви билан характерланади. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик телерадио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши билан ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда.

Мафкуравий плюрализм (лот. плуралиқ – хилма-хиллик, ранг-баранглик) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гурухлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайдиган тушунча. Мамлакатда илгор ғоялар, мафкуралар қанча қўп бўлса, яъни М.п. ҳукмрон бўлса, тараққиётнинг самарали йўлини танлаб олиш учун имконият шунчалик кенг бўлади. Фикрий кураш мафкураларнинг маъно ва мазмун жиҳатидан бойишига, бир-бирини тўлдиришига хизмат қиласди. М.п. ижтимоий тараққиётга хизмат қиласдиган янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига, турли халқлар, элатлар, миллатлар ва сиёсий гурухларнинг манфаатларини умумий тарзда рўёбга чиқишига шароит яратади. У муқаррар суратда кўппартияйлик тизимини тақозо этади. Сиёсий партиялар эса ўзлари мансуб бўлган қатламлар, сиёсий гурухларнинг манфаатлари, интилишлари, орзу-умидларини умумлаштирган ҳолда ўз ҳаракат дастурлари орқали намоён қиласди.

VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. —Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз|| мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишенланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: —Ўзбекистон||, 2016. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. —Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови|| мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишенланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: —Ўзбекистон||, 2017. – 48 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: —Ўзбекистон||. – 2017.– 102б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: —Ўзбекистон||, 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.:—Ўзбекистон||, 2018.– 80б.
6. Мирзиёев Ш.М. —Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир|| мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишенланган тантанали маросимдаги маърузаси// —Ҳалқ сўзи|| газетаси 2018 йил 8 декабрь.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: —Маънавият||, 2008.–176 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. —2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси|. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

3.—Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106 сонли Фармони.

4. —Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ 3160 сонли Қарори.

5.«Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон Фармони.

6.«Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538 сонли Фармони.

III. Махсус адабиётлар

1. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар (қўлланма). – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

2. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: Университет, 2001.

3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. –192 б.

4. Мамашокиров С. ва бошқалар. Ўзбекистонда янги жамият қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: 2004.

5. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар (дарслик). –Т.: —Академия‖, 2005.

6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. Назаров К. таҳрири остида. –Т.: Академия нашриёти. 2007.

7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: —Истеъдод‖ жамғармаси, 2008. –180 б.

8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: —Истеъдод‖ жамғармаси, 2009. – 160 б.

9. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. –120 бет.

10. Отамуродов Глобаллашув ва миллий маънавий хавфсизликлик. –Т.: —Ўзбекистон, 2013.
11. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қ. Назаров таҳрири остида. -Т.: Маънавият, 2009.
12. Холиқов И., Собирова М., Машарипова Г. —Маънавият асослари фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш. — Т.:ТДПУ, 2013.
13. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ. 2014, 6,5 бет.
14. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишида интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услугубий тавсиялар. – Т. РТМ, 2017 .

IV. Хориж манбалари

1. Solderblom N. Das Wetter des Gottesglaube. Berlin, S. 162.
2. Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy -Schmidt Number: S- 3277.On-line since: 24th January, 1995.
3. Michael Freeden. Ideology: A Very Short Introduction (Oxford, 2003)
4. The geopolitics reader .Edited by Gearóid Ó Tuathail, Simon Dalby and Paul Routledge. – London and New York. Routledge Taylor & Francis e- library, 2003.

V. Интернет сайтлар

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
2. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
4. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
5. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.